

Ҳис. 2
352
8-85



Прогнозлаштириш
ва макроиктисодий
тадқиқотлар институти



ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ



УЗД. 2
332
X-85




Прогнозлаштириш
ва макроиктисодий
тадқиқотлар институти



ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Ўқув-амалий қўлланма



Baktria press
Тошкент – 2017

УЎК 332.012.2

КБК 65.013

X 87

Худудларни ривожлантириш стратегияси [Матн] / Ш. Ҳ. Назаров [ва бошқ.]. – Тошкент: Baktria press, 2017. – 144 б.

Масъул муҳаррирлар: и.ф.д., проф. А. М. Содиков, и.ф.д. Ш. Ҳ. Назаров.

Муаллифлар гуруҳи: и.ф.д. Ш. Ҳ. Назаров, и.ф.н., Э. Т. Якубова, Ш. Х. Отабоев, Н. Н. Сафарова, ю.ф.д. О. Акилов, PhD О. Б. Юлдашев, Ф. И. Фуломов.

Халқаро экспертлар: Ф. Мерфи (Буюк Британия); Т. Власек (Чехия Республикаси).

Координатор: М. Турсунов, БМТТДнинг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш/2-босқич» лойиҳаси ходими.

Дизайнер: Ж. Ходжаев.

Ушбу ўқув-амалий қўлланмада худудларни ривожлантириш стратегиясининг моҳияти, принциплари бўйича замонавий билимлар мажмуаси акс эттирилган. Шунингдек, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи турли хилдаги намунавий жадваллар келтирилган. Ўқув-амалий қўлланма кенг китобхонлар, хусусан, талаба ёшлар, магистрантлар ва тадқиқотчи-изланувчилар, илмий ходимлар учун мўлжалланган.

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ўқув, илмий-услубий кенгашининг 2016 йил 25 ноябрдаги 2-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Қўлланма Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Элчихонасининг техник ёрдами асосида чоп этилган. Нашрда билдирилган фикрлар Элчихонанинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

БМТТДнинг барча жамият қатламларига мансуб ҳамкорлари турли инқирозларга бардош бера оладиган ҳамда ҳар бир инсон турмушининг яхшиланишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришиб уни сақлаб оладиган давлатларни куришда ёрдам қўлини чўзишга бел болаган. Биз дунёнинг 170 та мамлакат ва худудларида дунё миқёсидаги истиқболлар ҳамда маҳаллий миқёсдаги ечимларни ҳаётга тадбиқ этиш орқали фуқаролари тўлиқ ҳуқуқли бўлган кучли давлатларни куришда ёрдам беришга интиламиз.

БМТТДнинг Ўзбекистондаги фаолияти иккита умумий йўналиш бўйича ўзаро алоқадор мақсадларга эришишга қаратилган, булар иқтисодий ва демократик ислохотларни тезлаштиришда Ҳукуматга ёрдам бериш ва миллий ва глобал миқёсдаги ривожланиш жараёнида фуқаролик жамияти қатнашувини таъминлашни тезлаштириш ва кучайтиришдир. БМТТД қўйидаги уч йўналиш бўйича фаолият юритади: иқтисодий бошқарув, самарали бошқарув ва атроф-муҳит ва энергия.

Муаллифларнинг ушбу нашрда билдирган фикрлари миллий ҳамкорлар ёки БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин. Қўшимча маълумот олиш учун www.uz.unfpa.org сайтига ташриф буюринг.

ISBN 978-9943-4897-8-3

© Ўзбекистондаги БМТТД ваколатхонаси, 2017

© Baktria press, 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 4

I-БОБ

Худудларни ривожлантириш стратегиясининг моҳияти ва принциплари

- 1.1. Худудларни ривожлантириш стратегияси тушунчаси ва унинг тавсифи 8
- 1.2. Ўзбекистон учун худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги..... 13
- 1.3. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари..... 20

II-БОБ

Худуднинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар

- 2.1. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг қонуний асослари 24
- 2.2. Хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини ташкиллаштириш..... 28
- 2.3. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда вазият таҳлилини ўтказишнинг асосий йўналишлари..... 31
- 2.4. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадни шакллантириш..... 38

III-БОБ

Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш ва уни молиялаштириш масалалари

- 3.1. Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш: мавжуд миллий комплекс/ соҳавий дастурлар билан боғлиқлиги, унга буни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритиш..... 43
- 3.2. Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш мониторинги ва уни баҳолаш..... 47
- 3.3. Худудларни ривожлантириш стратегиясини самарадорлигининг индикаторлари тизими..... 49

ИЛОВАЛАР..... 54

КИРИШ

Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш амалиёти 1980 йилларнинг бошларида Европадаги мамлакатларда ва АҚШда кенг тус олди ва ҳозирда фаол тарзда жорий қилиниб келинмоқда.

Дарҳақиқат, глобаллашув ва худудлараро рақобатнинг кучайиши шароитларида айнан худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш алоҳида долзарб масалага айланмоқда. Чунки, ҳар қандай давлат ривожланишининг натижалари умуммиллий ривожланиш мақсадларига мос келувчи, давлат ва унинг худудлари даражасида ишлаб чиқилган аниқ режаларга асосланган бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасининг далолат беришича, худудларнинг ривожланиши, том маънода, давлат бошқарувини марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтказиш тамойилига ва замонавий демократия концепциясининг пойдеворларидан бири бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш принципига жавоб бериши зарур.

Бунда худудларни барқарор ривожлантиришга қаратилган стратегиялар, мажмуавий дастур ва лойиҳалар воситасида амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш сифати, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида худудларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ваколати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, яъни ҳокимликлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига юклатилган.

Шу тарзда, ҳокимиятларнинг тақсимланиш тамойилига кўра, худудларни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ижро этувчи ҳокимиятнинг вазифасига киради. Худудларни ривожлантиришнинг ҳар қандай дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш бўйича асосий вазифалар ҳокимликлар ва уларнинг ижроия аппаратларига юклатилганлиги ҳам бежиз эмас.

Бироқ амалда етарлича моддий-техник ва молиявий имкониятларга, малакали ходимларга эга бўлмаган ҳокимликлар худудларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш бўйича вазифаларини вазирликларнинг ҳудудий бошқармалари, давлат қўмиталари ва республика миқёсидаги идоралар, хўжалик бошқаруви органларига юклаб қўйишган.

Мазкур ўқув-амалий қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад ҳокимликлар ва уларнинг ижроия аппаратларига худудларни ривожлантиришнинг йиллик дастурларини тайёрлаш бўйича миллий амалиётга асосланган “босқичма-босқич” ҳаракат режаси ва хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор ижобий тажрибалари қамраб олинган билимларни тақдим этишдан иборат.

Қўлланмани ишлаб чиқишда хорижий экспертлар Фергюс Мерфи (Буюк Британия) ва Томаш Власак (Чехия) томонидан тақдим этилган халқаро тажрибаларнинг асосий ёндашувларига эътибор қаратилган.

Ушбу китоб маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўрта ва узоқ муддатли ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда, худудларни комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурларини тузишда амалий қўлланма сифатида тавсия этилади.

Худудларни ривожлантиришни бошқаришнинг амалиётда турли услублари мавжудлигига қарамасдан, ушбу қўлланмада, ўз моҳиятига кўра, худудларни ривожлантиришни режалаштириш жараёнида фуқаролик жамиятининг барча манфаатдор қатламларини жалб қилиш йўли билан Ҳудудий ривожлантириш стратегиясини (ҲРС) ишлаб чиқишнинг концептуал янги ёндашувлари акс эттирилган. Мухтасар қилиб айтганда, унда:

- » ҲРСни ишлаб чиқиш учун ягона ёндашув аниқлаб олинган. ҲРСни ишлаб чиқиш, шакллантириш ва амалга оширишни ташкил этиш бўйича услубий ва амалий тавсиялар келтирилган;

- » ХРСни ишлаб чиқишда хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтларининг иштироки батафсил кўрсатилган;
- » ХРСнинг мақсадли кўрсаткичлари ва самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган;
- » ишлаб чиқиладиган ХРСнинг давлат бюджети (маҳаллий бюджетлар) билан алоқаси ифодаланган;
- » ХРСни амалга ошириш мониторинги ва уни баҳолаш услублари келтирилган.

1-БОБ

Худудларни ривожлантириш стратегиясининг моҳияти ва принциплари




1.1. Худудларни ривожлантириш стратегияси тушунчаси ва унинг тавсифи



1.2. Ўзбекистон учун худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги



1.3. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари



Худудларни ривожлантириш стратегияси тушунчаси ва унинг тавсифи

Худудларни ривожлантириш стратегиясининг (ХРС) – муайян ҳудуднинг ривожланиш суръатлари, кўлами ундаги мутаносибликлар ва ўзига хос жиҳатлар ҳамда барқарор ривожланишига эришишга йўналтирилган устуворликларидан келиб чиққан ҳолда, шу ҳудуд доирасида ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган, ўзаро уйғун стратегик мақсад ва вазифалар мажмуидир.

Шу нуқтаи назардан, барқарор (комплекс) ривожланиш деганда жамиятда муносиб турмуш шароитини таъминлаш учун ҳудуднинг ҳозирги ва келажакдаги салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида табиий ресурслардан, инвестициялар, илмий-техникавий тараққиёт ва институционал ислохотлардан тежамкор ва изчил фойдаланиш баробарида ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришлар назарда тутилади.

Бунда ҳудудни ривожлантиришни режалаштириш ва ХРС ҳокимликларга, ижроия ҳокимиятининг бошқа ташкилотларига, давлат ва хўжалик бошқаруви ташкилотларига, тадбиркорлик фаолияти субъектларига, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва жамоатчиликнинг бошқа институтларига ҳудудни барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш ва амалга оширишда ўзаро ҳаракат қилишлари учун маълум платформа яратиб беради.

Шундай қилиб, ХРС жамоатчилик фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаб беради ва кўзланган мақсадларга эришиш учун маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти ташкилотлари, шунингдек, кенг жамоатчилик учун йўлқўрсаткич вазифасини ўтайди.

Одатда, ХРС доирасида ўрта ёки узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун вазифалар ишлаб чиқилади. ХРС доирасида турли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ қилиш воситасида эса бу борада қўйилган мақсадларга эришилади. Дастурлар, ўз навбатида, уларни амалга ошириш ва ХРС олдида қўйган мақсадларга эришилишини таъминловчи қатор чора-тадбирларни (кейинги ўринларда лойиҳалар, деб юритилади) режалаштиришдан иборат.

ХРСни ишлаб чиқиш бўйича халқаро тажрибаларнинг қисқача шарҳи. Ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатлар (Европа Иттифоқи мамлакатлари, Хитой, Жанубий Корея ва бошқалар)нинг ҳудудларни ривожлантириш сиёсати тажрибаси шуни кўрсатадики, ХРСни ишлаб чиқишдаги устуворликларни танлашда ҳудудий ривожлантиришнинг ҳудудий ва умумдавлат устуворликлари уйғунлиги, узоқ муддатли ҳудудий ривожлантириш, ҳудудий тузилмавий ўзгаришлар ва минтақалар иқтисодиётининг диверсификацияси каби пойдевор тамойилларга асосий урғу берилади.

Ўтган юз йилликнинг етмишинчи йиллари охирлариданоқ, ривожланган мамлакатларда стратегик режалаштиришга ҳудудларни ривожлантиришнинг муайян мақсадларига эришишда хусусий ва ижтимоий секторлар кучларини бирлаштириш воситаси сифатида қизиқиш ортиб борган. Деярли барча ҳудудлар ҳудудларни ривожлантириш истиқболлари ва бу ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маҳаллий ҳукуматларнинг фаолият йўналишлари режаларини ўзида акс эттирувчи ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишни бошлаганлар.

Бунда қуйидаги омиллар маҳаллий ҳамжамиятларнинг стратегик режалаштиришга мурожаат қилишлари учун асосий туртки бўлган: глобаллашув ва халқаро рақобатнинг кескинлашуви, бошқарув механизмларининг мураккаблашуви ва тузилмавий инқирозлар таъсири остида зўрайган анъанавий ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда тараққиётга интилиш.

АҚШда юзага келган ва XX асрнинг 70 – 80-йилларида Европада кенг мунозараларга сабаб бўлган, глобал майдонда ўзаро рақобат қилувчи корпорациялар ва шаҳар ҳамжамиятлари ўртасидаги ўхшашликларга асосланган шаҳар маркетинги ғояси хорижий мамлакатларда стратегик режалаштиришнинг тарқалишига катта таъсир кўрсатган.

Одатда эса, бунга қадар шаҳар ва ҳудудий ҳокимликлар ўз фаолиятларининг муҳим параметрларини белгиловчи йиллик бюджетни шакллантиришга ўзларининг асосий сиёсий вазифаси сифатида қараганлар. Бундай ёндашувнинг камчиликлари, биринчидан, ривожланиш жараёнларининг тезлашуви ва мураккаблашуви, иккинчидан эса, кўплаб ташкилотлар уринишларининг мувофиқлашишини талаб қилувчи хусусий-ижтимоий ҳамкорлик тарқалиши сабабли юзага чиқиб қолди.

Маълумки, Европада ва АҚШда барча даражадаги ҳукуматларнинг деярли барчасида аҳоли бандлиги ва ижтимоий келишмовчиликлар энг долзарб муаммолар саналади, чунки ишсизлик туфайли келиб чиқадиган ижтимоий келишмовчиликлар шаҳарлар ва ҳудудларда кескинликни келтириб чиқаради. Эндиликда деярли барча ҳудудлар, аввалгидек, ишсизлик, даромадлар ва ижтимоий мавқеларнинг фарқланиши сабабли, аҳолининг давомий тарзда қутблашишига дуч келмоқда; Европа мамлакатлари ва АҚШнинг кўп ҳудудлари ҳудудларни умумий тарзда ривожлантиришнинг мақсад, вазифа ва йўналишларини тизимли тарзда кўриб чиқувчи (иқтисодий соҳадан тортиб атроф-муҳитгача бўлган, ҳудуднинг барча соҳаларини ўз ичига олган) мажмуавий ҳужжатларни ишлаб чиқишга киришдилар. Турли шаҳар ва ҳудудларда бу каби ҳужжатлар, қоидага кўра, турлича номланади: “иқтисодий ривожлантириш стратегияси”, “шаҳар иқтисодий стратегияси”, “стратегик режа”, “ривожлантиришнинг стратегик концепцияси” ва ҳ.к. Бироқ буларнинг барчаси маҳаллий бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилади ва маҳаллий қонунчилик органлари томонидан тасдиқланади.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлигини англаган ҳолда, ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатлар ҳудудлари ҳукуматлари ҳудудларни барқарор ривожлантиришга йўналтирилган стратегияни ишлаб чиқиш заруратини тушуниб етдилар. Бу стратегияни ишлаб чиқишда мақсад сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтдилар:

- » ҳудудда юз бераётган ўзгаришларнинг умумий тушунчаси ва унга нисбатан ягона ёндашувни ишлаб чиқиш;
- » ҳудудларни ривожлантиришнинг йўналишларини аниқлаш;
- » муҳокама ва маълумот алмашиш натижасида давлат, жамият ва хусусий корхоналарнинг эҳтимолий энг мақбул ҳаракатларига аниқлик киритиб олиш;
- » ҳудуд аҳолиси, яшаш жойи бўйича маҳаллий жамиятлар ва корхоналарнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш юзасидан биргаликдаги ишлар учун умумий тартибларни яратиш;
- » ижтимоий-иқтисодий сиёсат субъектларига улар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг мақсадга йўналтирилганлиги ва мувофиқлигини ошириш имконини берадиган аниқ қарорлар қабул қилишларига кўмаклашиш.

Кўриниб турибдики, стратегияни шакллантириш сабаблари ичида ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасида фаолият юритувчи турли субъектлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва мақсадга йўналтирилганлик даражасини кучайтиришга бўлган эҳтиёж муҳим ўрин тутмоқда. Бир томондан, стратегия маҳаллий хусусий сектор ва жамоатчиликка ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасидаги фаолияти ва қўллаб-қувватланадиган ҳамда рағбатлантириладиган ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида тушунча беради. Бошқа томондан эса, бу стратегия давлат, хусусий сектор ва жамоатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар ва атроф-муҳит бўйича муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириши ва мақсадга йўналтириши зарур. Яъни мазкур стратегияга саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ўзаро бир-бирларини тушунишга эришиш воситаси сифатида қаралади.

Ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатларда ҲРСни ишлаб чиқиш учун бир-бирига ўхшаш ёндашувлар қўлланилади. Ва айниқса, стратегияларни қуриш схемалари бир-бирига жуда-жуда ўхшаб кетади. Баъзи стратегиялар (Масалан, Голландия ва АҚШ) пухта илмий асосланганлиги ва услубий изчил тузилганлиги билан ажралиб туради. Илғор стратегияларни дастак қилиб олган, ғоялари иккиламчи бўлган стратегияларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Агар хорижий ҲРСнинг аксарият қисми мазмунини умумлаштирсак, уларга одатий бўлган қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- » мақсад ва вазифалар белгиланади;
- » иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари ва тараққиётнинг умумий шартлари аниқланади;
- » афзалликлар, камчиликлар, имкониятлар ва хатарлар таҳлили (SWOT-таҳлил) ўтказилади;
- » стратегик режа шакллантирилади ва у амалий ҳаракатлар режалари ёки чора-тадбирлар режалари билан тўлдирилади, улар эса, ўз навбатида, соҳавий режаларга (масалан, экология соҳасида, кичик ва ўрта корхоналар соҳаларидаги ҳаракатлар режаси ва ҳ.к.) бўлиниб кетади.

Бунда, ҲРСни ишлаб чиқишдаги жуда муҳим рол ҳамкорлик тамойили зиммасига тушади. Бугунги кунда фақат ҳудудий ҳамкорлик ҳамда шаҳар ва ҳудудлар ўртасида халқаро ҳамкорликни кўзда тутадиган турли даражадаги ҳукуматлар, хусусий сектор ва маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи мажмуавий сиёсатгина муваффақият қозониши мумкин.

ҲРСни ишлаб чиқишда мақсадларни танлаш марказий омил ҳисобланади. Бунда шуни эътиборга олиш жоизки, замонавий жамиятда умуминсонийлик қадриятлар нуқтаи назаридан устуворликларни ўзида акс эттирувчи, исталган ҳудудий объект учун деярли ўзгармас бўлган мақсадлар тўплами мавжуд. Шунинг учун ҳам, юқори даражадаги мақсадларда одатда фарқланишлар бўлмайди. Табиийки, стратегия ёки концепция каби ҳужжатлар мажбурий сиёсий ёки расмий хусусиятга эга. Мақсадлардаги фарқлар ва миқдорий кўрсаткичларнинг тафсилотлари анча паст даражадаги аниқ вазифалар ҳақида гап кетаётган бўлгандагина юзага чиқади.

Бироқ, асосий мақсадларнинг ўхшашлиги стратегияларнинг мақсадли блоклари ҳам айнан бир хил эканини аниқлатмайди. Биринчидан, юқорида кўрсатилган мақсадларнинг устуворлиги ва аҳамияти ҳудудларга қараб фарқланади. Бунда деярли ҳар бир ҳудуд ўзининг алоҳида мақсадини шакллантиради, Масалан:

- » “очиқ шаҳар” (иммигрантлар ва бошқалар учун), халқаро шаҳар ва маданият шаҳри (Амстердам, Голландия) бўлиш;
- » “Европа Иттифоқи ахборот пойтахти” ва “Европа Иттифоқи транспортда ташиш маркази” (Кельн, ГФР) бўлиш;

- » технологик инновациялар маркази (Манчестер, Буюк Британия) сифатида ривожланиш;
- » илғор алоқа технологияларини жорий қилиш соҳасида етакчи ҳудудлардан бири (Нюрнберг, ГФР) бўлиш;
- » Европа юқори сифатли ишлаб чиқариш марказини (Брадфорд, Буюк Британия) яратиш;
- » «модернизациянинг уч асосли сиёсати»(маконга оид тарзда – иқтисодий, ижтимоий, маъмурий модернизация)ни амалга ошириш ва «метрополитен агломерация томон ривожланиш» (Роттердам, Голландия).

Бу каби ўзига хос мақсад ҳудуднинг муайян имижини шакллантириш учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Стратегиялар ва ҳудудлар сиёсатидаги устувор йўналишлар ҳудудий ривожланиш даражасидаги фарқлар туфайли кескин фарқ қилади. Шундай бўлса-да, одатда, улар осонликча бир неча гуруҳга жамланиши мумкин.

Биринчи гуруҳ ишлаб чиқариш ва ҳаёт тарзининг моддий муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар, жумладан, инфратузилмани такомиллаштириш, янгилаш ва тараққиётнинг глобал ҳамда маҳаллий лойиҳаларини ўз ичига олади.

Иккинчи гуруҳ эса, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун қулай ташкилий шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирларни ўзида акс эттиради. Улар қаторига хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инновацияларга йўл бериш, технологияларни ёйиш, бандликка кўмаклашиш, касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни “экологиялаш” бўйича чора-тадбирларларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ имижни сақлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ва у туризмни қўллаб-қувватлаш, ички ҳудудий ҳамкорлик ва шаҳар маркетингини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларлардан таркиб топган.

Ва ниҳоят, тўртинчи гуруҳ ҳудуднинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, у ҳудуд тузилмаси ва бошқарув услубларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон учун ҳудудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг муҳимлиги



Ўзбекистоннинг ҳудудий сиёсати таҳлили шуни кўрсатадики, унда асосан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тенглаштириш ва ҳудудий номутаносибликларни пасайтириш асосий мақсад қилиб олинган. Бунда, тажрибанинг кўрсатишича, республика сиёсати соҳа ва секторларни модернизация қилиш бўйича умумий сиёсат билан кўпроқ боғлиқ бўлган ва ҳудудий ҳамда шу ҳудудларни мажмуавий ривожлантириш сиёсатига унча ҳам боғлиқ бўлмаган.

Қабул қилинган йиллик умумреспублика ижтимоий дастурлари, ўрта ва узоқ муддатли соҳавий дастурлар ва ҳудудий дастурлар асосида у ёки бу соҳада ҳудудларни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон ҳукуматининг мақсадларига шартли равишда баҳо бериш мумкин.

Шундай қилиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва саноат жиҳатдан ривожланиши турли кўринишдаги давлат дастурлари орқали амалга оширилади¹:

- » йиллик мақсадли давлат дастурлари – қарияларни (2015 й.), қишлоқларни, ёшларни, оила ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш;
- » ижтимоий йўналтирилган ўрта муддатли дастурлар – 2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси соғлом овқатланишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи, 2015-2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, 2014-2015 йилларда Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастури, 2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури;
- » ҳудудий-маҳаллий дастурлар – 2015-2018 йилларда Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокатининг оқибатларини енгиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар комплекс дастури, 2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури, 2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури.

¹ Фақат қабул қилинган баъзи дастурлар қайдэтилмоқда. Ҳукумат йилига 7-10 та давлат дастури қабул қилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар билан бир қаторда иқтисодиётнинг таянч секторлари ва давлат корхоналарини қўллаб-қуввалаш умумдавлат соҳавий (кўпинча саноат соҳасида) дастурлари ҳам мавжуд. Бу соҳа ва ташкилотлар у ёки бу ҳудудда солиқ тўловчилар эканлиги билан бирга аҳоли бандлиги ҳамда саноат ривожланишини таъминлайди, шунингдек, соҳа дастурлари ҳудудлардаги турмуш даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шу турдаги дастурлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- » йиллик соҳавий ҳужжатлар – Инвестицион дастур, 2015 йилда умумий фойдаланиладиган халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари мукамал таъмирлаш дастури, 2016 йил пудрат қурилиш ишлари дастури, Мелиорация ишлари дастури ва ҳаказо;
- » ўрта муддатли соҳавий дастурлар – 2013-2018 йилларда кўмир саноатини ривожлантириш дастури, 2011-2016 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш дастури, 2011-2015 йилларда республика электр энергетикасини устувор ривожлантириш дастури.

Бунда, юқорида кўрсатилган барча дастур ва лойиҳалар марказий вазирлик ва идоралар даражасида ишлаб чиқилган ва кўп жиҳатдан соҳага етарлича боғланмаган эди. Аксарият ҳолларда ҳудудий номутаносибликларни пасайтириш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тенглаштиришни таъминлашда кўпинча ҳудудларнинг рақобат афзалликлари, энергетика салоҳияти, меҳнат ресурслари сифати, ташқи бозорларга ва қўшни ҳудудларга чиқиш, транспорт инфратузилмаси ва шу каби имкониятлари ва ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмаган².

Бу каби ҳолатнинг сабабларидан бири Совет давлатининг ҳудудларни ривожлантиришни режалаштиришдаги услубидир. Бевосита ҳудудий ривожлантириш дастур ва лойиҳаларини айнан марказий вазирлик ва идоралар даражасида ишлаб чиқиш хусусий сектор ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудларни ривожлантиришни режалаштиришдаги иштироки кескин тарзда чекланишига олиб келди.

Мазкур лойиҳа ва дастурларнинг асосий ижрочилари маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимликлар) бўлса-да, улар турли манбалар, жумладан, республика бюджетидан ташқари жамғармалар, банк ва хўжалик субъектлари кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Агар ривожланган ва тез ривожланаётган мамлакатларда “маҳаллий ҳокимият ташкилотлари” атамаси кўп жиҳатдан ўз ҳудудининг тараққиётини белгиловчи марказлашмаган ҳокимият ижроия ташкилотларини англатса,

² ИТМ (2011).

Ўзбекистондаги ҳокимликлар ҳудудларда марказий давлат сиёсатини “юритувчилар” сифатида фаолият кўрсатади. Шундай қилиб, давлатнинг марказда ишлаб чиқилган, аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий ва экологик сиёсати бўйича ғоялар, концепциялар, дастур ва лойиҳаларини амалга ошириш ҳокимликларнинг вазифасига киради³.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига кўра, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бу конституцион меъёрнинг механизми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24, 25-моддаларида белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, 25-моддага мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига (ҳокимият вакиллик ташкилотига) вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этади. Қонуннинг ушбу келтирилган меъёрлари мазмунидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар амалда ҳудудларни ривожлантириш сиёсатини белгилашлари керак бўлади.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ҳозирги шароитда ҳокимликлар марказий даражадаги қатор вазирлик ва идоралар ишлаб чиққан кўп миқдордаги соҳавий (саноатга оид) ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш билан банд ва улар республика даражасида тасдиқланган ҳужжатларнинг ижроси сифатида фаолият кўрсатади. Шу тарзда, давлат бошқаруви тизими кучли вертикал ҳокимият ва ҳудудларни ривожлантириш борасида қарор қабул қилишда марказлашувнинг юқори даражаси билан характерланади.

Натижада, ҳокимликларнинг ҳудудларни ривожлантириш масалаларидаги имкониятлари чекланади ва уларнинг функциялари қатъий тарзда маъмурий-ташкилий масалаларни бажаришга йўналтирилади. Бунинг натижасида эса, ҳудудларни ривожлантиришга оид барча муҳим қарорлар марказий даражада қабул қилинади, уларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш эса ҳокимликларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳудудий ривожлантириш дастурлари, вилоятларни ривожлантириш дастурлари ва соҳавий лойиҳаларни мувофиқлаштириш механизмларининг

³ Human Development Report (2005).

йўқлиги эса вазиятни янада кескинлаштиради. Бу амалда ҳудудлараро ҳамкорликнинг йўқлигига, бюджетдан ажратиладиган маблағлар доим ҳам ўз мақсадида сарфланмаслигига, давлатнинг мақсадли дастурлари эса қутилаётган натижаларга тўлақонли эришмаслигига олиб келади.

Яна шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар қандай ҳудудий ривожлантириш дастурининг муваффақияти унинг молиялаш манбалари ва қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларига чамбарчас боғлиқдир. Бироқ ҳозирги шароитда ҳокимликларнинг ҳудудларни ривожлантиришни молиялаштиришдаги имкониятлари кескин чегараланган. Бунинг сабаби амалдаги бюджет тизимидир. Шундай қилиб, ҳокимликлар ўз ҳудудларида даромадларни ошириш учун етарлича рағбатлантирилмайди, чунки, амалдаги қонунчиликка биноан (хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси), барча маҳаллий бюджетлар мувозанатлашган бўлиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг даромадларни ҳудудлар ўртасида қайта тақсимлаши мумкин эканлигини кўзда тутди⁴.

Йўналишлари, кўлами ва амалга ошириш муддатларига кўра фарқланувчи кўп сонли қабул қилинган дастурларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги камчиликларни кўрсатиб ўтиш зарур:

- » биринчидан, ҳокимликлар олдида давлат дастурлари ва лойиҳаларидан келиб чиқадиган қатор вазифалар туради ва чекланган молиявий маблағлар ҳамда кадрлар яққол етишмаслиги шароитида уларни ҳал қилиш қийин бўлиб қолади (2-иловадаги 2.1 ва 2.2-жадваллар), бу эса, пировардида, уларни ижро қилиш сифатига салбий акс этади⁵. Бу шунингдек, дастурларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнлари ҳамда уларнинг маҳаллий даражадаги таъсирига ҳам тегишлидир⁶;
- » иккинчидан, дастурлар ижросини горизонтал ва вертикал мувофиқлаштириш (ҳокимликлар ва қатор вазирликларнинг ҳудудий бошқармалари, хўжалик бошқаруви ташкилотлари) алоҳида дастурларни

4 Амалда, молиявий маблағлари ортиқчалиги қузатиладиган ҳудудларда бу маблағлар бошқа ҳудудлардаги бюджет тақчиллигини қоплаш учун олиб қўйилади.

5 Ишлаб чиқиётган дастур ва лойиҳалар алоҳида олинган ҳудуднинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда деярли дифференция қилинмаган, бу эса ҳар доим ҳам ҳудуднинг интеграллашган ривожланишини таъминлайвермайди. 2.1 ва 2.2-жадвалларда (2-илова) келтирилган оддий мисол бу ҳақда умумий маълумотни акс эттириб, уларда, гарчи, Наманган ва Жиззах вилоятларининг аҳоли сони ва географик жойлашуви, эҳтиёжлари каби ўзига хос томонлари бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилса-да, бу вилоятлар ҳокимликлари деярли бир хил ривожлантириш дастурларини амалга ошираётганини кўриш мумкин.

6 Масалан, автомобиль йўллари капитал таъмирлаш йиллик Дастурида йўлларнинг қисмлари ва сметалар кўрсатиб ўтилган. Бироқ бу йўллар қайси инфратузилма объектларини (соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, sanoat объектлари) боғлаши ҳақида маълумот йўқ. Бундан ташқари, ҳудуд ичидаги ташишлар учун муҳим бўлган ва йўл инфратузилмасидаги сезиларли ҳиссаси бор маҳаллий аҳамиятга эга йўллар эътибордан четда қолмоқда.

амалга ошириш бўйича бир нечта марказларни ташкил қилади, бу эса кўпинча, жавобгарликлар йўқолиб кетишига олиб келади ва уларнинг амалга ошишига ҳалақит беради.

Истиқболдаги тараққиёт хавфлари ва эҳтимолий таҳдидларини ҳисобга олсак, режалаштиришнинг мавжуд жорий дастаклари билан ҳудудий ривожлантириш ва турмуш даражасини ошириш учун жиддий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишда Ўзбекистон ҳукумати қийинчиликка дуч келади.

Шу сабабли, халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, интеграллашган режалаштириш дастакларидан фойдаланган ҳолда ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш жараёнига хусусий сектор ва маҳаллий ҳамжамиятларни фаол жалб қилиб, ҲРСни ишлаб чиқиш амалиётини кўриб чиқиш керак бўлади.

Натижада ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар ижтимоий-иқтисодий ва экологик тараққиёт учун энг зарур масалаларни битта тизимлашган ҳужжатда, яъни ҲРСда жамлаш имконини беради. Бир томондан, ҲРС марказий даражада ишлаб чиқиётган мавжуд соҳавий дастурларни қисқартириш имкониятини берса, бошқа томондан ҳар бир ҳудуднинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантиришни режалаштиришда маҳаллий ҳокимият ташкилотларининг ролини оширади.

Маҳаллий ривожлантиришдаги бундай интеграллашган ёндашув келажақда қуйидаги мақсадларга эришиш имконини беради:

- » ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- » янги иш ўринларини яратиш;
- » соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимоядан тенг ва сифатли фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- » сифатли бошқарувни ривожлантириш.

Шунингдек, ҲРС маҳаллий даражада энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалари бўлган мавжуд инсон, моддий ва ишлаб чиқариш ресурслари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш ва ўрта ҳамда узоқ муддатли режалаштиришнинг устувор жиҳатларини аниқлаш имконини беради. Унинг энг муҳим белгилари қуйидагилардир:

- » ҲРСни амалга ошириш учун ҳокимлик масъул бўлади, бу эса унинг ижроси ва мониторинги устидан бошқарувнинг ягоналигини таъминлайди;

- » ХРС индикаторлари аҳоли ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиши зарур;
- » ҳудудлардаги бюджет жараёнларини ХРСни молиялаштириш билан боғлаш ва келажақда ўрта муддатли бюджетлаш учун шароит яратиш талаб қилинади. Бунда ХРС танловли, ўрта муддатли ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Келажақдаги мақсадларни тўлақонли ва ҳаққоний тарзда тасаввур қилиш, мавжуд ва ўрта муддатли параметрларни узоқ муддатли мақсадли йўналишлар билан боғлаш учун мавжуд услубий база ва амалий дастакларнинг яроқли ёки яроқли эмаслиги ҳақида савол туғилиши табиий, албатта. Республикада ишлаб чиқиладиган ХРС жаҳон тажрибасида қўлланиладиган ва мамлакат тараққиётининг миллий моделидаги устувор йўналишларни ҳисобга олган услубий ёндашув ва тамойилларга таяниши зарур.

Бошланғич босқичларда қатор саволлар пайдо бўлиши мумкин, хусусан, таклиф қилинаётган ёндашув қандай қилиб мавжуд тизимга мослашиши мумкин? Мазкур қўлланмада таклиф қилинаётган ёндашувда кўзда тутилишича, бошланғич босқичларда ХРС доирасида ишлаб чиқиладиган дастур ва лойиҳалар ҳудудларни ривожлантиришнинг мавжуд миллий (ва халқаро) дастурлари ва соҳавий дастурларни тўлдирди. Бунда ишлаб чиқилган ХРС аввал тасдиқланган миллий ҳамда соҳавий дастур ва лойиҳаларни кўчирмаслиги ва такрорламаслиги керак. Айни вақтда, мавжуд миллий ва соҳавий дастурлар ХРСнинг асосий йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.

ХРСни ишлаб чиқиш бўйича ишлар қандай кечади ва кейинги босқичларда нималар кутилмоқда? ХРС ишлаб чиқишнинг янгича ёндашувини ("юқоридан пастга" тарзидаги анъанавий ёндашув эмас, балки барча манфаатдор томонлар билан биргаликда ишлаб чиқиш) ҳисобга олган ҳолда, илк босқичда муайян ҳудудда тажриба тариқасида амалий қўлланма жуда муҳимдир. Бу ҳукуматга ва халқаро донор ташкилотларга янгича ёндашувнинг яшовчанлиги ва омилкор эканлигини кўрсатиб бериш имконини беради. Бунда ХРСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш натижалари янгича ёндашувнинг мавжуд тажрибани бекор қилиш услуги эмас, балки ҳудудларни ривожлантиришдаги ёндашувларнинг кейинги воситаси эканлигини кўрсатиб бериши зарур.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳудудий режалаштириш буткул марказлашган. Шунинг учун ҳам ҳудудларни ривожлантиришнинг янгича ёндашувини қабул қилиш босқичма-босқич ва қадам-бақадам амалга оширилиши лозим. Янгича ёндашув ёрдамида ХРСни амалга оширишда муваффақиятга эришиш ва унинг кўламини ошириш кўп жиҳатдан "тайёр"

маҳаллий ҳокимият ташкилотларининг доимий манзилли ва техник ёрдами билан таъминланиши кутилмоқда.

Бошқа томондан эса, бу янги ёндашув ҳудудларнинг барқарор ривожланиши масалаларини қандай ҳал қила олади? Аслида, агар ҳудуднинг ривожланиши Ўзбекистондаги ҳудудни ривожлантириш ёндашувлари ва уни қабул қилишда узоқ муддатли ва доимий ўзгаришларга олиб келсагина, уни барқарор дейиш мумкин. Ушбу қўлланмада таклиф қилинаётган, барча манфаатдор томонларни жалб этиш ва ҳудуд аҳолисига "мулкый ҳуқуқ"ни таклиф қилиш йўли билан ҳудудларни ривожлантиришнинг (амалда ҳудуд аҳолисининг эҳтиёжлари ва заруратларини акс эттирувчи) янги ёндашуви аҳоли томонидан ХРСнинг қабул қилинишида сезиларли ўзгаришларга олиб келиши баробарида ҳокимликларга бўлган ишонч ортиши ва ҳудудий режалаштиришда хусусий сектор фаоллигини оширишга олиб келади. Натижада, ҳудудларнинг ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини бошқаришларидаги катта масъулияти ҳукуматга анча оқилona ва самарали ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантириши учун янги "восита" тақдим қилади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ХРСнинг шаклланиши узоқ муддатли мақсадли йўналишларни ҳам вертикал тарзда (алоҳида ҳудудлар, вилоятлар, мамлакат), ҳам горизонтал тарзда (алоҳида олинган соҳалар ва иқтисодий тармоқлари) ўзаро боғланишини кўзда тутди. Бундай шароитда тадбиркорлик субъектлари ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун эса, эҳтимол, ҳозирча ноанъанавий бўлган услубий йўналишлар, масалан, ушбу қўлланма каби воситаларни қўллаш талаб қилиниши мумкин.



Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари

Худудий режалаштиришни муваффақиятли жорий қилиш ва амалга оширишнинг халқаро тажрибаси шуни кўрсатадики, худудни ривожлантириш ҳар доим ҳам ХРСни шакллантиришдан бошланиб келган. ХРСнинг вақт кўринишидаги чегараси уч йилдан беш йилгача бўлган муддатни қамраб олади (бунда стратегик мақсадлар кўпроқ муддат – беш йил ёки ундан кўп давр учун ишлаб чиқилади). Таклиф қилинаётган қўлланмада ХРСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни беш босқичдан иборат (1.3.1-расм).

Мазкур расмда кўрсатилган 1- ва 4-босқичлар жиддий эътибор талаб қилади ва улар асосан ташкилий масалаларни акс эттиради. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига кўра, ХРСни ишлаб чиқиш жараёни тегишлича ташкил қилинмаса, худудни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, уни амалга оширишнинг эса мазмуни йўқолади.

1.3.1-РАСМ: ХРСни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари



Шу тарзда, ХРСни ишлаб чиқишдаги биринчи босқич худудни ривожлантиришни режалаштиришни ташкил қилиш, хусусан, худудни ривожлантириш “раҳбари”ни аниқлаш, давлат сектори вакилларида Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (комиссиялар) ва ишчи гуруҳлари тузиш, худудни ривожлантиришдаги манфаатдор томонлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳокимиятнинг турли даражалари билан ишлаш учун тизим ишлаб чиқишдан иборат.

Иккинчи босқич (вазият таҳлили) худуддаги ҳокимликларнинг хусусий сектор ва маҳаллий ҳамжамиятлар билан ўзаро ҳаракати, худуд тараққиётига таъсир кўрсатувчи омиллар саналган ишбилармонлик муҳитининг ҳолати, ривожлантиришнинг миллий стратегиялари ва дастурлари, демография, жорий инфратузилма масалалари, муассасалар ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг сифати ва шу кабиларни ўз ичига олган ижтимоий, иқтисодий, экологик ва институционал жиҳатларини синчковлик билан баҳолаш ўтказилишини кўзда тутаяди.

Бу босқич худуднинг асосий кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, ривожланишдаги имконият ва талабларини аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Шу билан бу иккинчи босқич худуднинг барча аҳолиси билан келишилган устувор йўналишлар ва худуднинг истиқболдаги тараққиётини белгилловчи мақсадли индикаторларни ишлаб чиқишга йўл очади.

Учинчи босқичнинг (ХРСни ишлаб чиқиш ва тузиш) ўзи бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

- » худуднинг кутилаётган узоқ ва ўрта муддатли келажagini ўзида акс эттирувчи ривожлантириш кутилмаларини яратиш (барча манфаатдор томонлар билан бирга). Шундай қилиб, айнан кутилмалар худудни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқ кўрсатиб бериши зарур. Шуни таъкидлаш керакки, қоидага кўра, бундай кутилма ягона бўлади;
- » ХРСнинг аниқ эришилган натижаларини кўрсатувчи вазифа ва мақсадли индикаторларини ишлаб чиқиш. Кутилмадан (пировард мақсаддан) фарқли равишда, ХРС вазифалари кўпроқ тавсифлаш характериға эга бўлади ва у ХРСни баҳолашнинг мақсадли индикаторлари билан бевосита боғлиқ бўлиши зарур;
- » ХРС кутилмаларини ижро қилиш учун ҳар бир қўйилган вазифаларни бажаришга ёрдам берувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Чора-тадбирлар режаси вазифалар билан таққосланганда, қўйилган вазифага эришиш учун айнан улар қилиниши кераклигини кўриш мумкин. Одатда, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши доимо аниқ муддатлар ва индикаторлар билан бирга олиб борилади;

» ХРСнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва кутилмаларига эришиш учун энг муҳим дастур ва лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш. Бунда, дастур ва лойиҳаларнинг амалга ошишини баҳолаш бу борадаги мезон ва кўрсаткичларнинг аниқ ишлаб чиқилган тизими асосида ўтказилиши лозим.

Тайёрланган ХРС жамоатчилик билан кенг муҳокама қилиниши ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ҳукуматнинг вакиллик бўғинига (халқ депутатлари Кенгашларига) тақдим қилиниши керак.

ХРС ишлаб чиқилиб, тасдиқлангандан сўнг, бевосита ХРС доирасида дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни режалаштириш босқичи бошланади. ХРСни амалга ошириш бўйича дастурларда ва лойиҳаларда уни жорий қилиш учун зарур бўлган бюджет, инсон ва бошқа ресурсларни аниқ кўрсатиб ўтиш зарур. Ўрта муддатли бюджет сўровларини тузишда ҳокимликлар ишлаб чиқилган ХРСдан фойдаланишлари ҳам кутилмоқда.

Бунда ХРС доирасидаги турли дастур ва лойиҳаларнинг устуворларини белгилашда уларнинг мавжуд ресурслар устида рақобатлашмаётганликларига ишонч ҳосил қилиш керак бўлади.

Бошланғич босқичларда ХРСни амалга ошириш учун бюджет маблағлари етарли бўлмаслиги мумкин. Бироқ, ХРС худуддаги барча аҳоли манфаатларининг инъикоси эканлигини ҳисобга олсак, унинг амалга ошиши хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар грантлари маблағларини жалб қилиши ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, бешинчи босқич (ХРСнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш), ХРСни жорий қилиш натижалари устидан баҳолаш ўтказишдан иборат. Бунда баҳолаш нафақат вазифаларнинг бажарилиши, балки унинг худуд ижтимоий-иқтисодий даражаси, институционал ўзгаришлар ва атроф-муҳитга кўрсатган таъсирини ифодаловчи мақсадли кўрсаткичларга асосланиши керак.

ХРСнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ҳар йили ўтказилиши мумкин ва уни маҳаллий бюджетларни режалаштириш даври билан бир вақтда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда барча манфаатдор томонларни жалб қилиш ва баҳолаш натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш кўзда тутилади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ХРС “тирик” ҳужжат сифатида, ички ва ташқи шароитлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, доимий янгилаб борилиши талаб қилади.

2-БОБ

Худуднинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар



2.1. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг қонуний асослари



2.2. Хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини ташкиллаштириш



2.3. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда вазият таҳлилини ўтказишнинг асосий йўналишлари



2.4. Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадни шакллантириш



Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг қонуний асослари


ҲРСни ишлаб чиқиш бир қатор ташкилий ишларни амалга оширишдан бошланади. Булар бир пайтнинг ўзида параллел равишда бажариш мумкин бўлган бешта алоҳида вазифадан иборат (2.1.1-расм).

Одатда, ҲРСни ишлаб чиқишни бошлашдан олдин ҲРСни ишлаб чиқиш учун қонунчилик базаси таҳлил қилинади.

Ўзбекистонда худудларни ривожлантириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, комплекс ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари каби ҳужжатлар қонунчилик асоси бўлиб хизмат қилади (1-илова).

2.1.1-РАСМ:

ҲРСни ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар Комиссия ва ишчи гуруҳларни тузиш



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (100-модда) ҲРСнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси асоси ўлароқ хизмат қилса, мазкур конституцион меъёрни амалга ошириш механизми «Маҳаллий давлат ҳокимияти» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24 ва 25-моддаларида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ҲРСга ҳуқуқий мақом берилиши «Маҳаллий давлат ҳокимияти» тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳририда ҲРСни ишлаб чиқиш ўрта муддатга мўлжалланган бюджетни шакллантириш орқали бўлиши ҳам кўзда тутилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг маҳаллий бюджетларни ҲРСни ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатга мўлжалланган режалаштириш қисмига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинади.

Комиссия ва ишчи гуруҳларни тузиш. ҲРСни ишлаб чиқиш вилоят ҳокими бошчилигидаги Комиссияни шакллантиришдан бошланади. Комиссия таркибига давлат ва хўжалик бошқаруви раҳбарлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, таҳлил марказлари ва ўқув муассасалари, маълум ҳудуднинг бошқа манфаатдор муассасалари киритилади.

Комиссиянинг асосий вазифаси қуйидагилар:

- » ҲРСни ишлаб чиқишдан манфаатдор бўлган шахслар, давлат муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамиятлари, хусусий корхоналар, таҳлил марказлари ва ўқув муассасалари, шунингдек, бошқа гуруҳларни аниқлаш, уларни жалб этиш бўйича чора кўриш;
- » ҲРСнинг стратегик йўналишларини аниқлаш мақсадида ҳудуднинг ривожланиш даражасини олдиндан баҳолаш;
- » ҲРСнинг стратегик йўналишларини бошқа умумдавлат стратегик ҳужжатлари билан (давлат ва республика соҳавий дастурлари, концепциялари, стратегиялари ва бошқалар) мослаштириш.

Олинган натижалар асосида Комиссия:

- » ҲРСнинг асосий йўналишлари ва концептуал асосларини белгилайди;
- » мақсадли мўлжалларни, ҲРСнинг маълум соҳаси бўйича баҳолаш кўрсаткичлари ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқади;
- » ҲРСнинг якуний вариантини тасдиқлайди ва уни халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;
- » ҲРСни амалга ошириш учун вазирликлар билан Ишчи гуруҳлар,

давлат қўмиталари ва хўжалик бошқаруви ташкилотлари томонидан тайёрланган дастурлар ва лойиҳаларни мувофиқлаштиради;

- » ХРС, дастурлар ва аниқ лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлайди, маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириладиганлари ҳам шу жумлага киради.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун Комиссия ХРСнинг ҳар асосий йўналиши бўйича ишчи гуруҳ тузади.

Ишчи гуруҳ таркибига давлат ташкилотлари, хўжалик бошқаруви ташкилотлари хизматчиларидан малакали мутахассислар ва илмий ходимлар, илмий муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари, хусусий ва нодавлат сектор вакиллари киритилади. Ишчи гуруҳнинг ишига, шунингдек, халқаро экспертлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Худудни ривожлантиришни режалаштириш ўз ичига кенг қўламдаги масалаларни қамраб олгани боис режалаштириш бўйича ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун ҳокимиятнинг тажрибали ва мутасадди хизматчиси белгиланиши мумкин: иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, молия ва банк иши соҳасидаги мутахассислар, экология бўйича, ердан фойдаланиш бўйича, сув ресурслари бўйича мутахассислар, экспертлар ва бошқалар.

ХРСни ишлаб чиқиш хусусий сектор, худудий ҳамжамият билан турли даражадаги давлат ҳокимияти (вазирликлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳукумат ташкилотлари) ўртасидаги мулоқотни кучайтиришни назарда тутишини ҳисобга олсак, бу жараёни бошқариш билан ҳокимнинг ўзи шахсан ёки юқори бошқарув мавқеига ҳамда худудларни ривожлантириш бўйича маълум тажрибага эга бошқа масъул мансабдор шахс шуғуллангани маъқул. Бундай киши жамоани ХРСни муваффақиятли ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зурур бўлган мавқе билан таъминлайди.

Иккинчи ҳолатга келадиган бўлсак, ХРСни шакллантириш ишларини муваффақиятли бошлаш учун ҳоким томонидан худудни ривожлантиришни режалаштириш бўйича масъул мансабдор шахснинг тайинланиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳоким масъул шахсга ҳаракат эркинлигини беради (бошқа машғулот ва масъулиятлардан озод қилади) ва керакли шароит билан (манбалар, шунингдек, масъул шахс ишига ташқи экспертларни ҳам жалб қилади) таъминлайди.

Тақдим этилган манбалар бошланғич қадамда арзимас бўлиши мумкин, бироқ улар худудни ривожлантиришни режалаштириш учун етарли бўлиши лозим (масалан, асосий идора эҳтиёжлари, зарурий ўқитиш ва манфаатдор

томонлар билан учрашувларни ташкил этишга, бошланғич SWOT-таҳлил учун маълумот тўплашга етарли бўлиши керак).

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ХРСни ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чоралар, қоидага биноан, ҳоким томонидан (ёки бошқа масъул мансабдор шахс томонидан) соҳалараро ва идоралараро ишчи гуруҳни шакллантиришдан бошланади. Бу гуруҳларга, одатда, ҳокимиятнинг масъул ходими, иқтисодий хизматлар вакиллари ва бошқа манфаатдор муассасаларнинг вакиллари киради. ХРСни амалга ошириш ва унинг натижалари бўйича ишчи гуруҳларнинг масъулиятини ошириш мақсадида қилинган иш юзасидан ишчи гуруҳ аъзоларининг ҳоким олдида (ёки бошқа масъул мансабдор шахс олдида) расмий ҳисобот топшириш тизимини йўлга қўйиш лозим. Бунда ишчи гуруҳлар фаолияти ҳақидаги маълумотнинг очиқлиги ва жамиятга маълум бўлиб туришини таъминлаш ҳам зарур.

ХРСни ишлаб чиқиш учун ишни ташкил этиш масаласини институционал ҳал этиш имконини берувчи бир қанча вариантлар мавжуд. Масалан, ХРСни ишлаб чиқиш вазифаси вилоят ҳокимиятининг қуйидаги бўлимларига юклатилиши мумкин:

- » ташкилий-назорат гуруҳига;
- » иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, иқтисодиёт ва ижтимоий блок (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт)дан ташқари; уларнинг фаолияти кўпроқ функционал вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлади. Бироқ стратегик бошқарувнинг самарали амалиёти ва соҳалараро ёндашувлар ҳам ташкилий, ҳам амалий жиҳатдан ХРСни амалга оширишни таъминлаши лозим;
- » жалб қилинган шахслар (давлат ташкилотларида, ижтимоий бирлашмаларда фаолият юритувчи ёки хизмат таътилида бўлган шахслар ичидан бўлиши) иқтисодиёт ёки ҳуқуқ соҳасида ташкилий ва раҳбарлик ишларида катта тажрибага, худудда катта обрўга ҳамда ХРСни шакллантириш жараёнини бошқариш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш Комиссияга юклатилади.

Ишчи гуруҳларнинг асосий мақсади ХРСнинг ҳар бир асосий йўналиши бўйича материаллар тайёрлашдан иборат, ХРСни амалга ошириш бўйича дастур ва лойиҳалар ҳам шулар жумласидандир.



Хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини ташкиллаштириш

Юқорида эслатиб ўтилганидек, ҳудуднинг ривожланиши кўп жиҳатдан давлат (ҳукумат), хусусий (тижорий) ҳамда ноҳукумат (ННТ, касаба уюшмалари, жамоатчилик, алоҳида шахслар) секторларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати муваффақиятига боғлиқ. Ҳамжамият ҲРСни режалаштириш жараёнини шахсларни аниқлаш, давлат муассасалари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик ҳамжамиятлари, хусусий корхоналар, аналитик марказлар ва ўқув юртлари, шунингдек, муайян ҳудуднинг бошқа манфаатдор гуруҳларини аниқлашдан бошлайди.

Манфаатдор томонларнинг ҳар бир гуруҳи томонидан мазкур жараёнга қўшилган кўникма, тажриба ва ресурслар ҲРСни ишлаб чиқишнинг энг муҳим асосини ташкил этади. Манфаатдор томонларни режалаштириш жараёнига тўлиқ жалб қиладиган ишчи муносабатлар ва механизмларнинг ўрнатилиши маҳаллий миқёсдаги мувофиқлаштириш ва амалга оширишни яхшилашга хизмат қилиши лозим. Айнан мазкур ҳамкорликнинг барпо этилиши муҳим ва кўпинча ҳудуд тараққиётининг умумий мақсадлари ва уни режалаштириш жараёнидаги энг мураккаб босқич бўлади.

Манфаатдор томонларни жалб қилиш. Манфаатдор томонларни ҲРСни ишлаб чиқишга жалб қилиш унинг самарадорлигини таъминлашдаги муҳим жараёндир. Бу жараёндаги ҳал қилувчи босқич манфаатдор томонлар ўртасида минтақани ривожлантиришнинг мақсад ва йўналишлари бўйича мувофиқликни таъминлашдир. Одатда, ушбу жараён турли йўналишдаги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятда ўзаро мулоқот ва маслаҳатлар йўли билан таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, турли манфаатдор томонларнинг таклифларини ўрганиб чиқиш ҳамда энг конструктив таклифларни танлаб олиш учун маълум муддат талаб қилади.

Манфаатдор томонлар ва уларнинг минтақани ривожлантиришга қўшадиغان потенциал ҳиссаси. Ҳокимиятлар минтақани ривожлантиришдаги ҳал қилувчи манфаатдор томон ҳисобланади, чунки улар маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тараққиётга оид жуда кўп муаммоларни ҳал қилади.

Инфратузилмани ривожлантиришдан ташқари, улар иқтисодиёт тармоқларини, бизнесни, маркетингни, таълим ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратишда ҳам катта ёрдам бериши мумкин.

Яна бир манфаатдор томон – хусусий сектордир. Хусусий сектор тадбиркорлик фаолияти субъектларидан (йирик давлат корхоналари ёки компанияларидан тортиб яқка тадбиркорларгача) ҳамда савдо-саноат палатаси

вакилларидан, ишбилармонлик доираларини, иқтисодиётнинг норасмий ва бошқа секторларини қўллаб-қувватлаб турувчи бошқа ташкилотлардан иборатдир.

Ва ниҳоят, сўнги томон – давлат ёки хусусий сектор таркибига кирмайдиган барча институтлардан иборат маҳаллий ҳамжамиятдир. Булар маҳалла вакиллари, қишлоқ фуқаролари йиғини, касаба уюшмаси ва жамоат ташкилотлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларидир.

Хусусий сектор ҳамда маҳаллий ҳамжамият вакиллари иштироки ишончли ортиради ҳамда потенциал ишлаб чиқиладиган дастур ва лойиҳаларнинг инвесторлар учун жозибадорлигини оширади, кучларни сафарбар қилиш кўникмалари ҳосил бўлишига ҳамда минтақани ривожлантириш истиқболлари кенгайиб бориши давомида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлик шаклланишига имкон беради.

Минтақани ривожлантиришни режалаштириш жараёнига манфаатдор томонларни жалб қилишнинг асосий устунлиги шундаки, минтақани ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларининг асосий бенефициарлари айнан улардир, бинобарин, бунинг муваффақиятидан ҳам улар кўпроқ манфаатдордир. Манфаатдор томонлар ишга ўз билим ва қарашларини қўшиб, режалаштириш жараёнининг ишончилигини оширадилар.

Минтақани ривожлантириш стратегиясидан манфаатдор томонлар 2.2.1-РАСМ:

Давлат сектори

вилоят ҳокимияти, республика ва вилоятга бўйсунадиган ташкилот ва муассасалар (соғлиқни сақлаш, маориф, транспорт), тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари, коммунал хизматлар, давлат ОАВ

Маҳаллий ҳамжамият

маҳалла раҳбарлари ва вакиллари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш жамиятлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гуруҳлари ва ҳоказо

Хусусий сектор

йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Савдо-саноат палатаси, қурувчилар, молиявий муассасалар, маҳаллий ОАВ, профессионал бирлашмалар, хусусий корхоналар

Бундан ташқари, улар ўз ҳиссаларини профессионал билимлар, молиявий ва бошқа ресурслар шаклида ҳам қўшишлари мумкин, ХРСни ишлаб чиқишга қўшилиб, жараённинг қонунийлигини ҳам таъминлайдилар. Хусусий сектор ва маҳаллий ҳамжамият вакиллари маҳаллий муаммолар ва имкониятлардан яхшироқ хабардор бўлгани туфайли манфаатдор томонларнинг фаол иштироки минтақани ривожлантириш билан боғлиқ жуда кўп муҳим муаммоларни ҳал қилиб бериши мумкин (2.2.1-расм).

ХРСни муҳокама қилиш. ХРС лойиҳасини Халқ депутатлари кенгаши тасдиғига тақдим қилишдан олдин у кенг жамоатчилик ҳамда экспертлар муҳокамасидан ўтиши учун ҳокимиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим. Бунда Комиссия келиб тушган барча мулоҳаза ва таклифларни умумлаштириб, таҳлил қилиб чиқиши лозим. Уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ХРС лойиҳасига тузатиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ХРСни тасдиқлаш. ХРС лойиҳаси Комиссия томонидан вилоят Халқ депутатлари кенгашига тасдиқлаш учун топширилади. Кенгаш уни ўз регламентида белгиланган тартибда кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

Халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланган ХРС қарор билан бирга ижро учун вилоят ҳокимига юборилади.

Ҳоким ХРСни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган ҳамда Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган ва Комиссия билан келишилган дастур ва лойиҳаларни ўз қарори билан тасдиқлайди.

Ҳар бир дастурда ХРСни амалга ошириш механизми кўзда тутилган бўлиши, у қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- » ХРСни амалга оширишнинг муайян муддатлари белгиланган босқичлари;
- » ХРСнинг қонуний базасини ташкил қилувчи керакли меъёрий-ҳуқуқий актларни ва идора ҳужжатларини қабул қилиш;
- » ХРСни амалга оширишни, манфаатдор органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминловчи ташкилий тузилмаларни шакллантириш;
- » ХРСни молиялаштиришнинг қўшимча (асосий бюджет маблағларидан ташқари) манбаларини, шу жумладан, хусусий сектор ресурслари, ҳомийлик ва инвестицион қўйилмаларини қидириш;

- » ХРСни амалга оширишнинг боришини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш усуллари.

Дастурларни бажариш ҳоким томонидан тасдиқланадиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур лойиҳаларда дастурда белгиланган вазифаларни ҳал қилишнинг муайян чоралари, масъул шахслар (ташкilotлар), бажариш муддатлари, керакли молиявий ресурслар ва молиялаштириш манбалари ҳамда кутилаётган натижалар кўрсатилади (дастур ва лойиҳаларнинг намуналари 4-иловада берилган).

Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда вазият таҳлилининг ўтказишнинг асосий йўналишлари



ХРСни шакллантириш учун ҳокимият бошқа манфаатдор томонлар билан биргаликда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий, экологик ва институционал хусусиятларидан бохабар бўлиши лозим, чунки айнан шу омиллар ХРСнинг йўналиши ва мазмунини белгилаб беради⁷.

Айнан минтақа тараққиёт даражасининг чуқур вазият таҳлилинини қилиш ХРСни муваффақиятли ишлаб чиқиш гаровидир, чунки бу жараёнда олинган маълумотлар барча манфаатдор томонлар учун минтақани ривожлантиришга (ва шундан келиб чиқадиган барча дастур ва лойиҳаларга) нисбатан ягона «қараш»ни шакллантиришнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун ХРСни ишлаб чиқишда бир неча йўналишларда сифатли вазият таҳлили ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг орасида энг муҳими минтақани узоқ муддатли ривожлантиришнинг муаммоли жиҳатларини, унинг уйғун ва барқарор ўсиш салоҳияти ва имкониятларини аниқлашдир.

Одатда, минтақани барқарор ривожлантиришнинг вазият таҳлили куйида санаб ўтилган йўналишлардаги тадқиқотларни ўз ичига олади (2.3.1-расм).

⁷ 3-иловада вазият таҳлили ўтказишнинг янада батафсил изоҳи берилган.

2.3.1-РАСМ: Минтақанинг вазият таҳлилини ўтказиш



Ушбу расмга кўра, дастлабки босқич сифатидаги вазият таҳлили жараёни ахборот тўплаш ва уни тартиблашни ўз ичига олиши керак. Бунда фақат минтақавий статистика назарда тутилмайди (чунки уни такомиллаштириш керак), балки бошқа турдаги ахборот, шу жумладан, махсус ижтимоий-иқтисодий ва географик тадқиқотлар ҳам кўзда тутилади.

2.3.1-расмга кўра, вазият таҳлилида минтақа тараққиётининг қуйидаги тўрт асосий соҳасига диққат қаратиш лозим:

- » ижтимоий ривожланиш: бу блокда аҳоли, таълим ва соғлиқни сақлаш, уй-жой ва коммунал инфратузилманинг ҳолати, турмуш ва бандлик даражаси, турли аҳоли қатламларининг тенглиги, аҳолининг ҳимояланганлиги ва жиноятчилик даражаси ва шу каби кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар берилади.

- » атроф-муҳит: бу блокда минтақанинг географик жойлашуви, иқлим шароитлари, ер ва сув ресурслари, табиатнинг хилма-хиллик даражаси ҳақидаги маълумотлар берилади.
- » иқтисодий тараққиёт: бу блокда минтақанинг иқтисодий тараққиёти, ялпи минтақавий маҳсулот таркиби, саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик муҳити, хизматлар сектори, транспорти ҳақидаги маълумотлар берилади;
- » институционал муҳит: бу блокда минтақанинг институционал салоҳияти ҳақидаги маълумотлар берилади.

Маълумотлар тўплаш. Вазият таҳлили вилоятдаги минтақалар бўйича бир неча йиллик статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни ўз ичига олади ҳамда маҳаллий мутахассислар, тадбиркорлар ва жамоатчилик ўртасида сўров ўтказишдан иборат бўлади.

Таъкидлаш лозимки, маълумотларни тўплаш анчагина узоқ муддат талаб қилади ва бунда ҳокимиятлар миқёсида амалга ошириш ва амалда қўллаш мумкин бўлган вазифа, дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқариш учун мақбул бўлган энг сўнгги маълумотлар тўплашга эътибор қаратилади. Тўпланган маълумотлар сифати кўп жиҳатдан ходимларнинг савиясига, етарлича вақт ажратилишига ва сарфланган ресурсларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, тўпланган маълумотлардан нима учун ва қай йўсинда фойдаланиш мумкинлигини ҳам эътиборга олиши лозим. ҲРС ишлаб чиқувчилар ҲРСни баҳолаш ва ишлаб чиқиш учун амалий аҳамияти бўлмаган ҳаддан ташқари кўп ахборотни тўплаб, уни таҳлил қилишга йўл қўймасликлари лозим. Ҳокимиятларда ходимлар сони чекланган бўлса, бундай ҳолларда манфаатдор томонлардан ҳам вакиллар жалб қилиниши мумкин.

Таъкидлаш зарурки, минтақанинг ривожланишини баҳолаш учун индикатор танлаш кўп жиҳатдан ҲРСни ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётган барча манфаатдор томонларнинг талаблари ва қўйилган мақсадларига боғлиқдир.

Қуйида минтақани барқарор ривожлантириш даражасини акс эттирувчи индикаторларнинг тахминий рўйхати келтирилган (3-иловада эса турли индикаторларнинг батафсилроқ рўйхати ва изоҳи берилган) бўлиб, ҲРС ишлаб чиқувчилар ундан чуқур вазият таҳлили пайтида фойдаланишлари мумкин (2.3.1-жадвал). Таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзи индикаторлар аҳоли, ишбилармон доиралар ва маҳаллий ҳамжамият вакиллари ўртасида сўров ўтказишни тақозо этади. Минтақадаги тадбиркорлик муҳити ҳақида социологик сўров ўтказиш учун тайёрланган сўровнома намунаси 3-иловада келтирилган.

2.3.1-ЖАДВАЛ: *Худуднинг вазият таҳлили учун барқарор ривожлантириш индикаторларининг намунавий рўйхати*

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ			
Соҳа	Соҳа тармоғи	Индикатор	
Ижтимоий шарт-шароитлар	Кам таъминланганлик	<ul style="list-style-type: none"> ○ Анча камбағал оилаларда болалар (0-17) сони ○ Қишлоқ аҳолиси даромадлари даражасидаги ўзгаришлар ○ Даромадлар тенгсизлиги индекслари ○ Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ижтимоий нафақалар 	
		<ul style="list-style-type: none"> ○ Аёллар орасида иқтисодий фаоллик даражаси ○ Аёллар орасида ишсизлик даражаси ○ Раҳбар лавозимлардаги эркаклар ва аёлларнинг фоиздаги нисбати ○ Сектор/муассасалар тури (болалар боғчаси, хизматлар соҳаси, таълим муассасалари ва бошқалар) бўйича аёлларнинг иқтисодий фаоллиги 	
	Гендер тенглик	<ul style="list-style-type: none"> ○ 1 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси ○ 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси 	
		<ul style="list-style-type: none"> ○ Иқтисодий фаол ва ишсиз аҳолининг ёш тоифаси ○ Иқтисодий фаол аҳолининг мутахассислиги ○ Иқтисодий фаол аҳолининг тузилмаси (тўлиқ/қисман/эркаклар/аёллар) ○ Жинс, ихтисослик тури, иқтисодий фаоллиги ва ёши бўйича ўртача ойлик иш ҳақи даражаси; ○ Ишчилар тури ва ёши бўйича ишсизлик даражаси ○ Ишсизлик даражаси ○ Ёшлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидаги ишсизлик даражаси 	
	Болаларни парваришlash	<ul style="list-style-type: none"> ○ 1 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси ○ 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси 	
		<ul style="list-style-type: none"> ○ Иқтисодий фаол ва ишсиз аҳолининг ёш тоифаси ○ Иқтисодий фаол аҳолининг мутахассислиги ○ Иқтисодий фаол аҳолининг тузилмаси (тўлиқ/қисман/эркаклар/аёллар) ○ Жинс, ихтисослик тури, иқтисодий фаоллиги ва ёши бўйича ўртача ойлик иш ҳақи даражаси; ○ Ишчилар тури ва ёши бўйича ишсизлик даражаси ○ Ишсизлик даражаси ○ Ёшлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидаги ишсизлик даражаси 	
	Соғлиқни сақлаш	Ўлим сони	○ Ўлим даражаси
		Санитария шароитлари	○ Туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги
		Тиббий хизматлар кўрсатиш	<ul style="list-style-type: none"> ○ Канализация тизимига уланган аҳоли сони ○ Давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳасига қиладиган харажатлари ○ Аҳолининг тиббий хизматларга харажатлари

Таълим	Таълим даражаси	<ul style="list-style-type: none"> ○ Аҳолининг турли қатламлари орасидаги таълим даражаси ○ Олий маълумотли аҳоли сони
	Таълим тизими	<ul style="list-style-type: none"> ○ Тури, талабалар сони, давомати бўйича таълим муассасаларининг миқдори
Уй-жой ва УЖКХ билан таъминланганлик	Яшаш шароитлари	<ul style="list-style-type: none"> ○ Ўртача бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонларининг умумий майдони, м2 ○ Электр энергияси ва газ таъминотидан фойдаланиш сифати ○ Хонадонларни электрлаштириш ва газлаштириш даражаси ○ Ичимлик сувидан фойдаланадиган оилалар сони
		<ul style="list-style-type: none"> ○ Аҳоли тузилмаси: сони, ёши бўйича ○ Аҳоли сонининг ўсиш даражаси ○ 1 км2 га тўғри келадиган аҳоли зичлиги
Аҳоли	Демография	<ul style="list-style-type: none"> ○ Қишлоқ хўжалигида банд ер участкалари майдони
Ер ва суве ресурслари	Қишлоқ хўжалиги	<ul style="list-style-type: none"> ○ Қишлоқ хўжалиги ўғитларидан фойдаланиш даражаси ○ Ҳокимлик ихтиёридаги ер участкалари майдони
	Ўрмон хўжалиги	<ul style="list-style-type: none"> ○ Дарахтларни кесиш даражаси
	Ичимлик суви	<ul style="list-style-type: none"> ○ Ичимлик суви сифати
	ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ	
Иқтисодий тузилма	Иқтисодиёт кўрсаткичлари	<ul style="list-style-type: none"> ○ Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ○ ЯҲМда миллий ва хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси ○ ЯҲМда ҳудуднинг асосий секторлари ҳиссаси ○ Истеъмол нархлари индекси
	Савдо	<ul style="list-style-type: none"> ○ Экспорт ва импорт ҳажми ○ Соф экспорт ○ Йўналишлар, сектор, ҳажм ва маҳсулотлар тури бўйича экспорт қилувчилар сони
	Молия	<ul style="list-style-type: none"> ○ Маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари ○ Маҳаллий бюджетларни молиялаштириш манбалари ○ Нақд пул маблағларидан фойдаланиш даражаси
Ишлаб чиқариш ва унинг эҳтиёжлари	Электр энергиясидан фойдаланиш	<ul style="list-style-type: none"> ○ Корхона турига кўра электр энергиясидан фойдаланиш сифати
	Транспорт	<ul style="list-style-type: none"> ○ Йўловчи транспортининг турига кўра сони ○ Юк транспортлари сони

Ишбилармонлик муҳити	Солиқ юки	<ul style="list-style-type: none"> Корхоналарни солиққа тортиш
	Институционал муҳит ва корхоналар	<ul style="list-style-type: none"> Ходимлар сони бўйича турли секторлардаги фирмалар сони/ҳажми Биоларнинг жойлашуви, ўлчами ва турига қараб тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ер участкалари ижараси ва хариди бўйича харажатлар
ИНСТИТУЦИОНАЛ МУҲИТ		
Институционал салоҳият	Ахборотдан фойдаланиш имконияти	<ul style="list-style-type: none"> Интернетдан фойдаланиш даражаси
	Телекоммуникация ва йўл инфратузилмаси	<ul style="list-style-type: none"> Йўллар ва бошқа транспорт алоқаларининг борлиги ҳамда сифати Телекоммуникация инфратузилмасининг даражаси
	Табиий офатларга тайёрлик	<ul style="list-style-type: none"> Зилзилалардан сугўрталаш бўйича чоралар Ўт ўчириш шахобчалари ва машиналари сони Касалхонадаги беморларнинг ўринлари миқдори 1000 та одамга тўғри келадиган шифокорлар сони

SWOT-таҳлилни шакллантириш. Вазият таҳлили воситаси сифатида умумий SWOT-таҳлил⁸ шакллантирилади. Ушбу таҳлил тадқиқот ва асослаш натижаларининг мажмуи бўлиб, унинг натижаси минтақанинг устунлик ва камчиликлари, шу жумладан, фаолиятнинг кучли ва заиф жиҳатлари, келгуси ривожланиш имкониятлари ва потенциал хавфларнинг аниқ таҳлилидан иборат бўлади.

Вазият таҳлилининг ушбу бўлимидан асосий мақсад минтақа тараққиётининг истиқболли йўналишлари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишдан иборат бўлиб, ушбу йўналишлар табиий устунликларни кучайтириш, камчиликларни бартараф қилиш, барча имкониятлардан фойдаланиш ва минтақа тараққиётидаги потенциал хавфларнинг олдини олишга имкон беради.

Асосий вазифалар:

- » иқтисодиётнинг асосий сектор ва тармоқлари бўйича ўтказилган вазият таҳлили натижалари асосида устунлик ва камчиликларни аниқлаш (2.3.2-жадвал);

⁸ Стратегик режалаштиришдаги SWOT-таҳлил усули омил ва ҳодисаларни тўрт тоифага бўлиб ўрганишдан иборат: strengths (кучли жиҳатлар), weaknesses (заиф жиҳатлар), opportunities (имкониятлар) ва threats (хавфлар). SWOT-таҳлилни амалий намунаси 3-иловада келтирилган.

Худуд тараққиётининг кучли ва заиф жиҳатлари **2.3.2-ЖАДВАЛ**

ОМИЛ	УСТУНЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
Географик жойлашув		
Демография ва бандлик бозори		
Ресурслар билан таъминланганлик		
Ишлаб чиқариш самарадорлиги		
Асосий фондларнинг ҳолати		

- » минтақанинг келгусида ривожлантириш лозим бўлган истиқболли имкониятларини ҳамда йўл қўймаслик керак бўлган хавфларни аниқлаш ва шу йўл билан «келажакка назар»ни таъминлаш (2.3.3-жадвал);

Худуд тараққиётидаги имкониятлар ва потенциал хавфлар **2.3.3-ЖАДВАЛ**

ОМИЛ	ИМКОНИАТЛАР	ХАВФЛАР
Иқтисодий		
Техноген ва экологик		
Халқаро		

- » блоклар ўртасида боғлиқликлар ўрнатиш (устунлик ва камчиликлар, имкониятлар ва потенциал хавфлар). Блоклар кесишган нуқтада тўртта соҳа ҳосил бўлади. Ҳар бир соҳада барча жуфт комбинацияларни кўриб чиқиш ва минтақанинг якуний SWOT-таҳлилида ҳисобга олиниши лозим бўлганларини ажратиш (2.3.4-жадвал).

SWOT-таҳлил матрицаси **2.3.4-ЖАДВАЛ**

ОМИЛ	ИМКОНИАТЛАР	ХАВФЛАР
УСТУНЛИКЛАР	1-соҳа Устунликлар ва имкониятлар	2-соҳа Устунликлар ва хавфлар
КАМЧИЛИКЛАР	3-соҳа Камчиликлар ва имкониятлар	4-соҳа Камчиликлар ва хавфлар



Худудларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадни шакллантириш

ҲРС ёзма шаклида, қоидага кўра, кириш қисми, асосий қисм ва хулоса қисмларидан иборат. Кириш қисмида худудни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари долзарблиги ва мақсадлари келтириб ўтилади.

Асосий қисмда худудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида аниқланган худуд ривожланиш даражасига баҳо берилади.

Хулоса қисмида ҲРСни амалга ошириш ва унинг бажарилиши устидан (дастур ва лойиҳаларни) мониторинг қилиш механизми ҳақида фикр юритилади.

Бунда ҲРСни ишлаб чиқишнинг мақсади худудни ривожлантиришга комплекс ёндашувга эришиш ҳисобланади. Ҳокимликларнинг масъул ходимлари ва энг муҳим манфаатдор томонлар иқтисодий ривожланишни атроф-муҳит, инфратузилма ва ижтимоий эҳтиёж соҳасидаги жамият заруратлари билан мувозанатлашлари керак бўлади.

Худуд учун асосли, долзарб муаммолардан келиб чиқиб, стратегиянинг асосий мақсади, стратегик йўналишлари ва биринчи навбатдаги вазифалари аниқланади. Асосий стратегик йўналишлар мажмуавий характерга эга бўлиши ва у худудни узоқ муддатли ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам, ижтимоий томонларини ҳам, жумладан, тузилмавий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг алоҳида секторларини жойлаштириш ва ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, селектив ёрдам талаб қилувчи худудларни аниқлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш, инвестицион жозибadorликни ошириш ва шу кабиларни қамраб олиши мумкин.

Ҳар бир худуднинг иқтисодиёти худудий меҳнат тақсимотига мувофиқ ривожланиши, мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиши ва унинг ривожланишга ундовчи ҳамда ривожланишини пасайтирувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, табиий ва демографик омилларга эга эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу хусусиятларни тўлақонли ҳисобга оладиган ривожланиш йўналишларини ташкил қилиш керак бўлади.

ҲРСни шакллантиришда худуднинг sanoat ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ё бир вақтнинг ўзида қатор тармоқларнинг у ёки бу соҳасига ихтисослашувини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. ҲРС доирасида шу

худудга хос бўлган иқтисодиётнинг бозор ихтисослашуви ва худудий ҳамда худудлараро интеграцияси натижасида юзага келган иқтисодий алоқалари шаклланади.

Маълум жойга оид, соҳавий ва функционал тавсифлари, омиллар ва мақсадли йўналишларни ҳисобга олган ҳолатда ҲРСда стратегик йўналишлар, фаолият тури ва соҳага тегишлилиги бўйича “ўсиш нуқталари” белгиланади. Эмпирик баҳолаш учун миқдорий ва сифат параметрлари (индикаторлари) прогнози тузилади. Иқтисодиётнинг реал сектори кўрсаткичлари, бандлик даражаси, табиий-иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва бошқалар мақсадли йўналишлар сифатида хизмат қилиши мумкин.

Худудни ривожлантиришнинг мақсадларини шакллантириш. Маҳаллий ривожлантиришнинг мақсадлари барча манфаатдор томонлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур бўлади ва одатда, вазият таҳлили натижалари асосида шакллантирилади. Худудни ривожлантиришнинг мақсадлари турли ишчи гуруҳларнинг ўзаро ҳаракатлари билан ишлаб чиқилади ва барча манфаатдор томонлар (ҳокимликлар, тадбиркорлик сектори, маҳаллий ҳамжамият, тадқиқот ва таълим муассасалари ва бошқалар)нинг мақсадлари билан мувофиқлаштирилади.

Ҳамжамиятга худуднинг ривожланишини аниқ тасвирлай оладиган худудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тавсифи ҲРСнинг мақсади сифатида кўрилиши зарур. Айнан мана шу мақсад асосида худудни ривожлантириш соҳасидаги вазифалар, дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилади (*Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини комплекс даражада акс эттирувчи маълумотлар, жадваллар, расмлар ва схемалар намуналари Тошкент вилояти мисолида келтирилган, 6-илова*).

Ишлаб чиқишнинг тизимли жараёни, ўз мазмунига кўра, стратегик мақсадларни мувофиқлаштириш ва танлаш, умуман олганда, “стратегик мақсад кўйиш” сифатида тасаввур қилиниши мумкин. Услубий нуқтаи назардан, мақсад кўйиш жараёни концептуал ҳолатга асосланади. Унга мувофиқ, турли тахмин ва чегараларни ҳисобга олган ҳолда, мавжуд кўплаб стратегик мақсадлар ва уларга эришиш йўллари ичидан энг моси танланади. Мақсад кўйиш жараёни бевосита ва билвосита ўзгарувчилар ҳисобга олинган ҳолдаги иерархик модель сифатида кўрилиши мумкин. Бундай ёндашувга мувофиқ худудни ривожлантириш мақсадлари бир нечта даражаларда шаклланиши мумкин.

Макро даражада ҳудудни ривожлантиришнинг умумий (одатий) стратегик мақсадлари шаклланади. Алоҳида ҳудудни унинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришнинг аниқ мақсадларини танлаш мезодаражада амалга оширилади. Вақт ва макон бўйича батафсил текшириш йўли билан мақсадларни дифференциялаш микро даражада ишлаб чиқилади. Бунда мақсад қўйишнинг кетма-кетлиги ва босқичлари ишлаб чиқиладиган стратегиялар турига боғлиқ тарзда турлича бўлиши мумкин.

Қуйида ҳудудни ривожлантиришнинг умумий (одатий) мақсадли йўналишларига мисоллар келтирилади:

- » аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш (масалан, қашшоқлик даражасини 10% гача пасайтириш);
- » инсон капитални ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш (масалан, олий маълумотли аҳоли ҳиссасини 35% гача ошириш);
- » давлат муассасалари сифатини ошириш (масалан, давлат хизматлари самарадорлик индексини 0,7 гача кўтариш);
- » бизнеснинг иқтисодий самарадорлигини ошириш (масалан, маҳсулот бирлигига кетадиган энергия харажатини 10 фоиз даражасигача пасайтириш);
- » илғор ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш (масалан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдорини 10 000 АҚШ долларигача ошириш);
- » доимий ва мувозанатлашган ўсиш ҳамда барқарорликка қўмаклашиш (масалан, туманлар орасидаги фарқланиш даражасини икки баробаргача камайтириш);
- » ҳудуд экологияси тозалигини таъминлаш (масалан, димланган газларнинг чиқарилиш даражасини кескин пасайтириш).

Юқорида кўриб чиқилган стратегик мақсадлар ҳар қандай ривожланаётган ҳудуд учун хос бўлиши мумкин ва улар иерархиянинг қуйи даражалари сифатида осон деталлаштирилади. Бироқ, тараққиётдан орқада қолаётган ҳудудларнинг асосий стратегик мақсадлари мазмунига кўра, доимо бир-бири билан бир хил бўлавермайди. Бу ҳудудлар учун мақсадлар танлаш ХРС миссиясидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади ва у ҳудуднинг ўзига хос томонлари, муаммонинг жиддийлиги ва

мураккаблиги бўйича аниқланади. Миссия ҳудуднинг кутилаётган ҳолати ёки стратегик муҳим ва устувор масалаларидан келиб чиқиши мумкин. Бундай мақсадлар SWOT-таҳлил натижаларидан фойдаланиш йўли билан мақсад қўйишнинг қуйи даражасидан юқори даражаси томон кўтариб борилади.

ХРСни ишлаб чиқишда даставвал ҳудуднинг устувор мақсадларини танлаб олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, жуда орқада қолаётган ҳудуд учун “аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини республиканинг ўртача даражасига кўтариш” асосий стратегик мақсад бўлиши мумкин. Бунда “барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш” ва “ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш” қуйи иерархиянинг устувор мақсадлари бўлиши мумкин. Кейинчалик эса бу устувор мақсадлар асосий йўналишлар ва вазифалар даражасигача батафсил ёйиб чиқилиши лозим. Масалан, ҳудудлараро лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш, биргаликда ишлаш учун инфратузилма яратиш ва ҳаказо.

3-БОБ

Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш ва уни молиялаштириш масалалари



3.1. Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш: мавжуд миллий комплекс/соҳавий дастурлар билан боғлиқлиги, унга буни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритиш



3.2. Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш мониторинги ва уни баҳолаш



3.3. Худудларни ривожлантириш стратегияси самарадорлигининг индикаторлари тизими

Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш: мавжуд миллий комплекс/соҳавий дастурлар билан боғлиқлиги, унга буни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритиш



ХРСни амалга ошириш тегишли восита ва ресурслар, унинг институционал ва ташкилий жиҳатлари каби алоҳида бандлар билан аниқланадиган дастурларга мувофиқ ўтказилади. Шундай қилиб, дастурлар жамловчи ҳужжат саналади ва улар доирасида ХРСнинг барча лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари бирлаштирилади.

Лойиҳа вазифалар иерархияси, масъул тузилмалар, аниқ белгиланган муддатли чегаралар, кадрларга оид ва молиявий эҳтиёжлар, молиялаштириш манбалари, кутилаётган оқибатлар, натижалар ва самарадорликни баҳолаш каби кўрсаткичларни кўриб чиқади.

Дастурларда баъзи лойиҳалар қисқа муддатли истиқболда амалга оширилиши, бошқалари эса ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда лойиҳалар манфаат, ресурс ва мажбуриятларга мувофиқ тарзда алоҳида шахслар ёхуд манфаатдор томонлар гуруҳлари томонидан ривожлантирилиши зарур.

Одатда, ХРРни амалга оширишнинг тузатилган режаси маҳаллий бюджетлардан ҳам, хусусий секторнинг молиявий ресурсларидан ҳам тежамкор ва самаралироқ фойдаланишни зарур қилиб қўяди. Шунингдек, мазкур режа республика бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва донорлик ташкилотлари каби ташқи манбалардан мақсадли маблағларни ҳам жалб қилиши мумкин.

Комплекс масштабга эга бўлганлиги боис ХРСни ишлаб чиқиш худудни ривожлантириш билан алоқадор барча миллий дастурлар билан ўзаро боғланган бўлиши лозим. Халқаро тажрибалар кўрсатишича, ХРСнинг шу йўналишдаги барча лойиҳалар ва дастурлар билан интеграциясини таъминлаш учун амалий чора-тадбирлар кўришга зарурат мавжуд. ХРСнинг мақсадли йўналишлари билан миллий худудий ва соҳавий дастурлар ўртасида номувофиқлик бўлса, уларга ўзгаришлар киритиш борасида таклифлар тайёрлаш ва миллий дастурларни шакллантиришда ХРСни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Бошқа жиҳатдан миллий дастурларга ўзгартиришлар киритишга имкон бўлмаса, ХРСни амалга ошириш доирасида миллий сиёсат ва ХРС кўзлаган мақсадларига мувофиқ қўшимча дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқишни ҳисобга олиш зарур.

Янги дастурларни ишлаб чиқиш. Худудни ривожлантириш ўз ичига кўплаб чора-тадбирларни қамраб олиши мумкин. Ситуацион таҳлил ва ҲРСнинг кўриниши ва вазифаларини белгилаш ишлари яқунлангач, ишчи гуруҳлар дастурлар ва лойиҳалар туркумини ишлаб чиқишни бошлашлари лозим. 4-иловада бир қатор дастур ва лойиҳалардан намуналар келтирилган.

Ҳар бир дастур йўналиши доирасида лойиҳаларни танлаб олиш аниқ мезонлар асосида бўлиши лозим. Аввало, ҳар бир потенциал лойиҳа худудни ривожлантиришнинг умумий вазифаларига мос келишига ва уларни амалга ошириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Шу маънода ҳар бир лойиҳа учун қуйидаги мезонлар асосида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарур:

- » лойиҳа вазифалари: ҳар бир лойиҳада дастур мақсадларига мос келувчи муҳим жиҳатлар (приоритет) ва аниқ йўналиш белгилаб кўйилиши зарур;
- » лойиҳа ресурслари: лойиҳани амалга ошириш учун зарур ресурслар, жумладан, кадрлар, моддий ресурслар, бинлар, инфратузилма, техник кўмак ва бошқалар;
- » лойиҳа натижалари: лойиҳа жорий қилинишининг бевосита натижалари (масалан, 20 та янги корхона, амалга оширилган 5 та уй-жой лойиҳаси);
- » лойиҳанинг худудга узоқ муддат давомида кўрсатадиган таъсири;
- » лойиҳани бошқариш ва унинг ижрочилари: лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий жиҳатлари, молиявий ва техник кўмак ишларига кимлар жавобгар?

ҲРСни ишлаб чиқувчилар лойиҳаларнинг стандарт шаклини тайёрлаш йўли орқали қайсилари устун (приоритет) эканлигини аниқлаш жараёнида уларни осонлик билан солиштириб кўришлари мумкин.

Одатда, анча йирик лойиҳалар (зарурий ресурслар, татбиқ қилишнинг мураккаблиги ва муддатларига кўра) анча синчковликни ва баҳолаш услубларини, жумладан, яшовчанликни дастлабки баҳолаш жараёни, яшовчанликни баҳолаш, техник-иқтисдий асос (ТИА), бизнес режалар тайёрлаш, мониторинг усуллари ва бошқаларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам катта лойиҳаларни ишлаб чиқишда хорижий мутахассисларнинг ёрдами зарур бўлиши мумкин.

Бунда сезиларли натижаларни тез олишни таъминловчи кичик лойиҳаларни аниқлаш ва уларга устувор аҳамият бериш ҳам муҳим. Бу эса, ўз навбатида, ҲРСнинг барча манфаатдор томонлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди.

ҲРС охириги кўринишга келтирилгандан сўнг, уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ва механизмларга тайёргарлик жараёни бошланади. Бунинг учун ҲРСнинг охириги кўринишини кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиб, маъқуллангандан сўнг, ҳоким унинг шу кўринишини ўз қарори билан тасдиқлайди ва уни маъқуллаш учун халқ депутатлари Кенгашига тақдим қилади. Халқ депутатлари Кенгаши ҲРСни кўриб чиқади ва уни маъқулланса, тегишли қарор қабул қилади. Шунингек, ҳоким билан келишилган ҳолда, Кенгаш қарорига кўра, ҲРСга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлиши мумкин. Шундан сўнг ҲРС халқ депутатлари Кенгашининг қарори билан ҳокимга йўлланади, у эса фармон чиқариб, ҲРСни ижро учун қабул қилади. Ҳокимнинг аниқ фармони билан ҲРСни амалга ошириш бўйича ҳаракат дастури ҳам тасдиқланади.

Ҳаракат режаси ҲРСни амалга ошириш механизминини кўзда тутиши ва у қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олиши зарур:

- » ҲРСни амалга оширишни меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш борасида (агар бу қонуний тартибга солинишни талаб этса, Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлиф киритилади);
- » ҲРС амалга оширилишини таъминловчи ташкилий тузилмаларни (дастур ва лойиҳалар) шакллантириш, жумладан, ҲРСга жалб қилинган барча томонларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, ҲРС амалга оширилиши устидан тизимли назорат ва мониторинг олиб бориш бўйича ташкилот (доимий фаолият юритувчи ишчи гуруҳ, ишчи комиссиялар ва бошқалар) ташкил қилиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш;
- » мақсадли дастурлар, йирик инвестиция лойиҳаларини оқилона жойлаштириш, амалга ошириш, жумладан, худудларнинг табиий-ресурс салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ҲРСда кўзда тутилган худудий ва соҳавий тамойилларни мувофиқлаштиришнинг самарали услубига таяниш;
- » ҲРС доирасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ривожланиши паст бўлган худудларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича молиявий дастаклар ишлаб чиқиш;
- » ҲРС доирасида илмий-тадқиқот ва лойиҳавий-қидириш ишларини худудий ташкилотлар бўйича кенгайтириш ва уни иқтисодиёт секторларида жойлаштириш;
- » ҲРС амалга оширилишини мунтазам мониторинг қилиш тизимини ташкил этиш мақсадида унинг ахборот билан таъминланиш даражасини кучайтириш ва худудий статистикани такомиллаштириш;

» худудий бошқарув, худудий иқтисодиёт ва худудий молия бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Ҳаракатлар дастури ҲРС доирасидаги барча дастур ва лойиҳаларнинг бирлашиши учун бошланғич нуқта сифатида хизмат қилиши лозим. Ушбу дастур ҲРС, масъул шахсларнинг вазифалари, муваққат чекловлар, инсон ресурслари ва молиявий эҳтиёжлар, қутилаётган таъсир ва натижалар, ҳар бир дастур ва лойиҳа бўйича натижаларнинг самарадорлиги таҳлили ва уни баҳолаш кўрсаткичлари тизимини аниқлаб беради.

Ҳаракат дастури қабул қилинган ҲРСнинг батафсил ўрганиб чиқилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам унга бир неча марта кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартириш ва кўшимчалар киритилгач, ҲРС қайта кўриб чиқилади. Бунда ички ва ташқи муҳит жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, худудни ривожлантириш шарт-шароитларини янада яхшилаш учун энг яхши ва оқилона йўлларни қидиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ҲРСни молиялаштириш. ҲРС доирасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, хусусий сектор маблағлари, тижорат банклари кредитлари, аҳоли маблағлари, хорижий инвестиция ва қарзлар, турли жамғармалар ва хайрия ташкилотларининг пуллари, халқаро донорларнинг қарзлари ва грантлари молиялаштириш манбалари сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, (Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ) ўрта муддатли маҳаллий бюджетни ишлаб чиқишда ҳокимликлар ҲРСга таянишлари зарур. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли режалаштириш қисмига ҲРСни ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб қилиниши мумкин.

Кўп ҳолларда ҲРСни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли бўлмайди. Шу боисдан ҳам муқобил молиялаштириш манбаларини жалб қилиш мақсадида ҳокимликлар потенциал инвестор ва донорлар учун турли рағбат чораларини кўриб чиқишлари ва қабул қилишлари мумкин.

Барча манфаатдор томонларга, хусусан, хусусий секторга шуни етказиш керакки, ҲРСни амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлаш пировардида фирмалар фойдадорлигини ошириш ва худуднинг солиққа тортиладиган базаси кенгайишига ёрдам бериши мумкин.

Худудларни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш мониторинги ва уни баҳолаш



ҲРСни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, харажатларни асослаш ва натижаларни яхшилаш бўйича тегишли чораларни аниқлаш ҲРСни амалга оширишдан олинган натижаларни баҳолаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда кўрсаткич (индикатор) тизими жараённинг қандай кечаётгани ва қандай омиллар таъсирида бўлаётганини аниқ кўрсатиб бериши керак.

Одатда, ҲРСни муваффақиятли амалга ошириш мақсадли йўналишлар ва ҳаракат дастурини ҳар йили мониторинг қилиб туришни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мониторинг нафақат эришилган оралик ва якуний натижаларни баҳолашни, балки амалга ошириш жараёни, барча манфаатдор томонларнинг иштироки даражаси, маҳаллий шарт-шароитларнинг ўзгариши ва худуднинг ривожланиши динамикасига ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳам қамраб олиши зарур.

ҲРС, ҳаракат дастурлари ва унинг асосида ишлаб чиқилган барча дастур ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш Комиссия томонидан махсус ташкил қилинган мониторинг гуруҳи ёрдамида амалга оширилади. Мониторинг гуруҳи таркибига ҳоким ўринбосари раҳбарлигидаги мустақил экспертлар киритилади.

Мониторинг гуруҳининг асосий вазифаси ҳар бир дастур ва лойиҳанинг натижалари самарадорлигини баҳолаш учун индикаторларни аниқлаш, шунингдек, ҲРС амалга оширилишининг муваффақиятлилигини баҳолаш учун олинган барча маълумотларни бирлаштиришдан иборат. Мониторинг гуруҳи тизимли тарзда Комиссиянинг ҳар бир дастури ва лойиҳаларни амалга ошириш қандай бораётганлиги ҳақида маъруза тақдим қилиб боради.

Вилоят ҳокими даврий тарзда, ярим йилда камида бир марта ҳаракатлар дастури кесимида ҲРСнинг бажарилиши қандай кетаётгани ҳақида халқ депутатлари Кенгашига ҳисобот тақдим этади.

Муҳокамалар натижасига кўра, халқ депутатлари Кенгаши ҳаракатлар дастури, аниқ дастур ва лойиҳаларни баҳолаган тарзда қарор қабул қилади ва унда мазкур ҳаракатлар дастури, дастур ва лойиҳаларга тузатиш киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳам бўлиши мумкин.

ХРС ва уни амалга оширишнинг натижаларини нашр қилиш. Идеал олинганда, ХРСнинг ҳар бир босқичида материалларни ҳужжатлаштириш, нашр ва тақриз қилиш зарур бўлади. ХРС лойиҳасида ишчи гуруҳларда олдиндан муҳокама қилинадиган ва зарурат туғилганда ХРСнинг тегишли бўлимларида (мақсадлар, вазифалар, дастур ва лойиҳалар) кўрсатиладиган муҳим мулоҳаза ва амалий таклифлар ҳисобга олиниши лозим.

Нашр қилинган оралиқ натижаларни ва уларнинг муҳокамаси янги (қўшимча) гоё ва ресурсларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шундай ёндашувга амал қилинган ҳолда маҳаллий экспертлар ХРСнинг охириги кўринишини яхшилаш учун қўшимча маълумотларга эга бўладилар.

ХРСнинг билдирилган мулоҳаза ва таклифлар асосида ишлов берилган охириги кўриниши жамиятнинг барча аъзолари кўриши мумкин бўлган ерларда, жумладан, ҳокимликлар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг веб-сайтларида жойлаштирилиши, китобча сифатида нашр қилиниши, радиода узатилиши ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилиши керак.

ХРС мониторинги даврий тарзда (ойда, чорақда ёки ярим йилда бир марта) ёки ҳар йили ўтказилиши мумкин. Қоидага кўра, мониторинг даври маҳаллий ва республика бюджетининг шаклланиш даврига боғлиқ. Комиссия алоҳида олинган йўналишлар бўйича барча ишчи гуруҳлари билан биргаликда мониторинг жараёнида фаол иштирок этиши зарур. Бундан ташқари мониторингга маҳаллий ҳамжамиятларни (маҳаллий Кенгаш, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти ва бошқалар) ҳам жалб қилиш ва уларга мониторинг жараёнида мунтазам иштирок этишлари учун кўпроқ имкониятлар бериш мақсадга мувофиқ.

Мониторинг натижаларини нашр қилиш ва уларнинг очиқ-ошкоралиги ХРСнинг жамият томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Худудларни ривожлантириш стратегияси самарадорлигининг индикаторлари тизими



ХРС амалга оширилиш натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолаш ХРСни жорий қилишнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам чора-тадбирлар режалари ва бутун ХРСнинг муваффақиятлилигини таҳлил қилиш учун баҳолаш мезонлари (индикаторлари) ишлаб чиқиш керак бўлади.

Қоидага кўра, мониторинг қуйидаги саволларга жавоблар топиб бериши керак:

- » SWOT-таҳлил натижалари долзарблигича қолмоқдами ёки вазият ўзгардимми?
- » Худудий ривожлантиришнинг танланган устувор йўналишларини сақлаб қолиш учун етарлича асос борми?
- » Юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда стратегиянинг мақсадлари ёки кутилмаларига ўзгартиришлар киритиш зарурми?
- » Лойиҳалар дастлабки қўйилган мақсадларга эришмоқдами?
- » Иқтисодиётда ва алоҳида соҳа ҳамда тармоқларда самарадорлик бўйича кутилган натижаларга эришилдимми?
- » Стратегияга қандай ўзгартиришлар киритиш лозим?
- » Индикаторларни ўзгартиришга зарурат борми?
- » Лойиҳаларни амалга оширишда қўшимча чоралар кўриш керакми?
- » Бу дастур ўз олдида қўйган мақсадига эришдимми?
- » Қўйилган мақсад қанчалик ўринли?
- » Ушбу дастурга сарф қилинган маблағларнинг қайтарувчанлиги қандай?
- » Ҳаракатлар дастури(лойиҳаси)га ўзгартириш киритишнинг зарурати борми?

Умуман олганда, мониторинг ва баҳолаш механизми ҳаракат дастурининг асосий таркибий қисми бўлиши зарур. Бунинг учун эса, юқорида таъкидланганидек, ХРСни лойиҳалаш босқичида ҳар бир дастур ва лойиҳани баҳолаш учун индикаторларни аниқлаб олиш керак.

ХРС муваффақиятли амалга оширилишини баҳолашнинг 3.3.1-жадвалда келтирилган намунавий индикаторлар рўйхати худуднинг турли секторларидаги ўзгаришларни баҳолашни ўз ичига олади ва ХРС амалга оширилишини умумий баҳолашда ҳокимликлар томонидан қўлланилиши мумкин.

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ		
Соҳа	Соҳа тармоғи	Индикатор
Тенглик	Кам таъминланганлик	○ Худуднинг қашшоқлик даражасидан паст шароитда яшовчи худуд аҳолиси сони
		○ Қашшоқлик даражасини қисқартириш
		○ Қишлоқ аҳолиси даромадлари даражасидаги ўзгаришлар
		○ Даромадлар тенгсизлиги индекслари
	Гендер тенглик	○ Аёлларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг эркакларникига нисбати
		○ Аёллар орасида иқтисодий фаоллик даражаси
○ Раҳбар лавозимлардаги эркаклар ва аёлларнинг фойздаги нисбати		
Болаларни парваришlash	○ 1 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси	
	○ 5 ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси	
Меҳнат бозори	○ Малакали ходимлар кўникмалари/етишмовчилиги/ортиқчалигини баҳолаш	
	○ Жинс, ихтисослик тури, иқтисодий фаоллиги ва ёши бўйича ўртача ойлик иш ҳақи даражаси	
	○ Ишсизлик даражаси	
	○ Ёшлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидаги ишсизлик даражаси	
Соғлиқни сақлаш	Овқатланиш ҳолати	○ Аҳоли ўртасида овқатланиш ҳолатининг даражаси
	Касалланиш ва ўлим ҳолати	○ Касаллик турига кўра сурункали касалликлар натижасида кишиларнинг ўлим даражаси
		○ Ўлим даражаси
		○ Туғилганда кутилаётган ҳаёт давомийлиги
	Санитария шароитлари	○ Канализация тизимига уланган аҳоли сони
Тиббий хизматлар кўрсатиш	○ Аҳолининг тиббий хизматларга харажатлари	

Таълим	Таълим даражаси	○ Олий маълумотли аҳоли сони ○ Аҳолининг саводлилик даражаси
	Таълим тизими	○ Олий маълумотли мактаб ўқитувчилари сони ○ Тури, талабалар сони, давомати бўйича таълим муассасаларининг миқдори ○ Аҳолининг жинсига кўра, мамлакат даражасига таққослангандаги таълим даражаси
Уй-жой ва УЖКХ билан таъминланганлик	Яшаш шароитлари	○ Ўртача бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонларининг умумий майдони, м ²
		○ Электр энергияси ва газ таъминотидан фойдаланиш сифати
		○ Муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи оилалар сони ва ҳиссаси
		○ Аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган электр энергияси
	○ Ичимлик сувидан фойдаланадиган оилалар сони	
Аҳоли	Аҳоли сонидаги ўзгаришлар	○ Аҳоли иммиграцияси ва эмиграцияси даражаси
Хавфсизлик	Жиноятчилик	○ Жиноятчилик даражаси
Атмосфера	Иқлим ўзгаришлари	○ Димланган газлар даражаси
	Ҳаво сифати	○ Ҳавонинг ифлосланганлик даражаси
Ер ресурслари	Қишлоқ хўжалиги	○ Фермерларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат хизматларининг миқдори ва турлари ○ Фаолият тури, соҳаси бўйича ер участкаларидан фойдаланиш имкониятини баҳолаш
	Ўрмон хўжалиги	○ Ўрмонларнинг умумий майдони
	Урбанизация	○ Аҳоли урбанизацияси даражаси
Сув ресурслари	Ичимлик суви	○ Аҳоли жон бошига ичимлик сувидан фойдаланишнинг жадаллиги ○ Ичимлик суви сифати

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ		
Иқтисодий тузилма	Иқтисодиёт кўрсаткичлари	<ul style="list-style-type: none"> Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ЯҲМда ҳудуднинг асосий секторлари ҳиссаси
	Савдо	<ul style="list-style-type: none"> Соф экспорт
	Молия	<ul style="list-style-type: none"> Корхона "старт-ап"ини кредитлашдаги микромолиявий муассасаларнинг сони ва ҳиссаси (жумладан, жинсий белгилари бўйича) Тижорат банклари кредитларини олиш имконияти даражаси
Ишлаб чиқариш ва унинг эҳтиёжлари	Электр энергияси-дан фойдаланиш	<ul style="list-style-type: none"> Ҳар маҳсулот бирлигига ишлатиладиган электр энергияси Электр энергиясиги ишлаб чиқаришдаги энергиянинг муқобил манбаларининг ҳиссаси
	Чиқиндилар ва уларни олиб чиқариб ташлаш	<ul style="list-style-type: none"> Шаҳар чиқиндилари даражаси ва олиб чиқариб ташлаш Саноат чиқиндилари ва уларни чиқариб ташлаш даражаси
Ишбилармонлик муҳити	Солиқ юки	<ul style="list-style-type: none"> Корхоналарни солиққа тортиш
	Институционал муҳит ва корхоналар	<ul style="list-style-type: none"> Тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ва корхона рўйхатдан ўтказишнинг осонлиги Соҳалар бўйича зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони/тури Катталиги, соҳаси ва фаолият турига қараб "старт-ап"ларнинг сони

ИНСТИТУЦИОНАЛ МУҲИТ		
Институционал салоҳият	Ахборотдан фойдаланиш имконияти	<ul style="list-style-type: none"> Интернетдан фойдаланиш даражаси
	Телекоммуникации ва йўл инфратузилмаси	<ul style="list-style-type: none"> Йўллар ва бошқа транспорт алоқаларининг борлиги ҳамда сифати Телекоммуникация инфратузилмасининг даражаси
	Табиий офатларга тайёрлик	<ul style="list-style-type: none"> Зилзилалардан сугурталаш бўйича чоралар Атроф-муҳит деградацияси даражаси
	Фан ва инновациялар	<ul style="list-style-type: none"> Ҳокимликларнинг тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлари

Давлат дастурлари ва хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> Тадбиркорлар, аҳоли ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига маслаҳат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатувчи агентликлар сони Худуддаги микрокредит/кредит муассасалари сони (худуд аҳолисига хизмат кўрсатувчи) Аҳоли билан худудни ривожлантириш режаларини жамоатчилик тарзида муҳлкама қилишлар сони ва тақрорланиш даражаси ҳамда унинг ОАВда ёритилиши Худудда ишбилармонлик муҳитини рағбатлантиришни қўллаб-қувватловчи идоралар, уюшмалар сони (масалан, Савдо-саноат палатаси)
	Фуқаролик жамиятининг иштироки

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўрсатилган аксарият индикаторлар барқарор ривожлантириш бўйича БМТТД раҳбариятидан олинган⁹ ва улар шунингдек, вазият таҳлилида ҳам, ҲРСни амалга оширишни баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин. Қоидага кўра, ҲРСни баҳолашда индикаторларни танлаш ва қўллаш кўп жиҳатдан вазият таҳлилига боғлиқ (5-илова).

9 Programming Sustainable Local Development: A Handbook for Eastern Europe and Central Asia. UNDP in Europe and Central Asia. < <http://www.scribd.com/mobile/doc/192730300/Programming-Sustainable-Local-Development-A-Handbook-for-Eastern-Europe-and-Central-Asia>>.

ХУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Бешта устувор йўналиш куйидагиларни ўз ичига олади:

- I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш
- II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш
- III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш
- IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш
- V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

2. Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши – “иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”нинг 3.5-банди “вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” деб номланади. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар мамлакат барча ҳудудларини жадал ривожлантиришга қаратилгани ҳолда, бунда алоҳида эътибор ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга қаратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳудудларни ривожлантириш масаласига халқимиз ва тадбиркорлар билан ўтказилаётган ҳар бир учрашувда, ҳар бир маърузасида алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-2679 қарори билан Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ташкил қилинди ва унинг раҳбари Бош вазирнинг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида эса Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти ташкил қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691 қарорига кўра барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳокимнинг иқтисодий ислоҳотлар ва

тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, шунингдек, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди.

4. Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўёбга чиқариш доирасида ҳудудларни ривожлантириш бўйича 20 дан ортиқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармони ва 450 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Чет эл тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, айрим давлатларда нисбатан кам ривожланган ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадларида мазкур ҳудудлар учун махсус имтиёзлар бериш сиёсати амалга оширилган. Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда бир қатор қарорлар қабул қилинди.

2017 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2731-сонли қарори билан Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида “2017- 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури” тасдиқланди. Ушбу қарорга биноан саноат соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Шуманай, Қонликўл, Тахтақўпир, Чимбой туманларида, Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Қўшқўпир туманларида янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар (автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларидан ташқари) 2027 йилнинг 1 январига қадар муддатга, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туманларида - 2022 йилнинг 1 январига қадар муддатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Оролбўйи минтақасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитлари ва сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни молиявий жиҳатдан ишончли ва барқарор таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармани шакллантириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган маблағларнинг ўн фоизи, автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станциялари томонидан сотиладиган табиий газга махсус инвестициявий устама ҳақнинг ўн фоизи ва бошқа манбалар белгиланди.

2017 йил 31 майда Жиззах вилоятида саноатни, қишлоқ хўжалигини ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш учун заҳиралар ва имкониятларни сафарбар этиш, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг янги ёндошувлари ва методларини синаб кўриш, қулай бизнес муҳитини шакллантириш ҳамда шу асосда маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси мустаҳкамланишини, аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати ўсишини таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндошувлари ва методларини синаб кўришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 332-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Жиззах вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун бир қатор солиқ имтиёзлари бериш кўзда тутилган.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, маҳаллий бюджетлар тасарруфида қоладиган солиқларва мажбурий тўловларнинг рўйхатива миқдорини қайта кўриб чиқиш орқали шаҳарлар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг минтақалар маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини оширган ҳолда фискал номарказлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Минтақаларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ва алоҳида вилоятлар ва туманларнинг субвенцияланишини камайтириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Худудлар бюджети даромад базасини кенгайтириш учун энгил саноатда 85 та, чармпойабзал соҳасида 31та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озиқ-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган Нурота, Каттақўрғон, Қўшрабат, Қизириқ, Музрабат, Боёвут, Сардоба туманларини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил этиш назарда тутилган. Худудларга инвестиция жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида саноат-иқтисод кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни, табиий ва меҳнат ресурсларини, шунингдек, худуднинг бошқа потенциал имкониятларини ифода этган республиканинг ҳар бир туман (шаҳар) паспортини тузиш масаласи ҳам устувор масала сифатида белгиланган. Худудларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, маҳаллий тадбиркорларни имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида Ғиждувон, Хазорасп, Ургут туманлари ва Қўқон шаҳрида эркин иқтисодий зоналарташкил этилиши ҳам худудлар салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишни назарда тутди.

6. Ҳаракатлар стратегиясиг доирасида эса янги таҳрирдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу қонун маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотларининг тузилмасини такомиллаштириш ва қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги ваколатларини аниқлаштириш, вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти юзасидан тегишли худуддаги аҳоли олдида ҳисобот бериш ва ҳисоботга оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тартибини жорий этиш, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий ижроия ҳокимияти ташкилотлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш шаклларини ва уларни амалга ошириш механизмларини аниқлаштиришни ўз ичига олиши лозим.

7. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, ишни ташкил этиш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзага келишига қатъий равишда барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотларининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3182-сонли “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” қарори тасдиқланди.

8. Юқорида номлари келтирилган бевосита худудларни ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва республика ҳукуматининг қарорлари билан бир қаторда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доираси кўплаб давлат дастурлари қабул қилинди ва ижро этилмоқда. Булар ўз навбатида ҲРСни шакллантиришнинг асосий шарт-шароитларини белгилаб беради.

2.1-ЖАДВАЛ

Ривожлантиришнинг Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари томонидан ижро қилинаётган намунавий дастурлари (Жиззах вилояти)

Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари котибияти		
<i>Ходимлар сони – 4 киши: мудир-1, бош мутахассис-1, етакчи мутахассис-1, биринчи тоифали мутахассис-1</i>		
Дастур номи	Давомийлиги ва тури	Молиялаштириш манбаи
1. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастури	Қисқа муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, ҳомийлар маблағлари
2. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, тижорат банкларининг кредитлари, чет эл инвестициялари, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг заём ва грантлари, хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар
3. 2018-2019 йилларда туризми ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури	Қисқа муддатли, Худудий	Тижорат банкларининг кредитлари, чет эл инвестициялари, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг заём ва грантлари, хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар
4. 2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида	Ўрта муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари

5.	2017 — 2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари куриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида	Ўрта муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори	Қисқа муддатли, Комплекс	Маҳаллий бюджет, тижорат банкларининг кредитлари, чет эл инвестициялари, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг заём ва грантлари
7.	2017 йилда янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури	Қисқа муддатли, Худудий	Республика ва маҳаллий бюджет
8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 322-сонли, 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 178-сонли қарорлари	Узоқ муддатли, Худудий	Маҳаллий бюджет, тижорат банкларининг кредитлари, ҳомийлар
9.	Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури	Ўрта муддатли Комплекс	Маҳаллий бюджет, ташаббускорлар маблағлари, банк кредит маблағлари

Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш ва капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти

Ходимлар сони – 4 киши: мудир-1, бош мутахассис-1, етакчи мутахассис-1, биринчи тоифали мутахассис-1

1.	2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари
2.	«2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар куриш дастури тўғрисида»	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари
3.	2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари

4.	2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблаглари, тижорат банкларининг кредитлари, пудрат ташкилотларининг маблаглари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблаглари;
5.	2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида	Узоқ муддатли, Комплекс	Тижорат банкларининг кредитлари, чет эл инвестициялари, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг заём ва грантлари, хайрия маблаглари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар
6.	2017 — 2021 йилларда кўмир саноатини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
7.	«2017—2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»	Қисқа муддатли Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
8.	Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастур	Узоқ муддатли, Комплекс	Маҳаллий бюджет

Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибияти			
Ходимлар сони - 3 киши: мудар-1, бош мутахассис-1, биринчи тоифали мутахассис-1			
1.	2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси фаолиятини самарали ташкил қилиш, соҳага илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини янгилаш, тармоққа халқаро грантларни жалб қилиш чора-тадбирлари дастури	Узоқ муддатли, комплекс	Маҳаллий бюджет
2.	2017 — 2021 йилларда балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури	Узоқ муддатли, комплекс	Маҳаллий бюджет, тижорат банкларининг кредитлари
3.	2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида	Узоқ муддатли, комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
4.	«Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги	Узоқ муддатли, Худудий	Республика ва маҳаллий бюджет
5.	2017 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастури	Қисқа муддатли Комплекс	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет
6.	Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳаракат дастури	Узоқ муддатли Худудий	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет
Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари котибияти			
Ходимлар сони - 4 киши: мудар-1, бош мутахассис-1, етакчи мутахассис-1, биринчи тоифали мутахассис-1			
1.	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
2.	"Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги дастур	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет

3.	Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
4.	2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури	Узоқ муддатли, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
5.	Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида	Доимий, Комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
6.	Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги дастур	Қисқа муддатли, комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет

Вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари котибияти

Ходимлар сони - 1 киши: мудири-1

1.	Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастур	Қисқа муддатли, комплекс	Республика ва маҳаллий бюджет
2.	«Ҳаж» ва «умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	Қисқа муддатли, Худудий	Ўзбекистон мусулмонлари идораси махсус ҳисоб varaгига йиғилган маблағлар ҳисобидан қoplanadi.
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 майдаги ПФ-5046 сонли "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони	Қисқа муддатли, Худудий	Маҳаллий бюджет

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси котибияти

Ходимлар сони - 2 киши: мудири-1, бош мутахассиси-1

1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида	Узоқ муддатли Комплекс	Маҳаллий бюджет
2.	Аёлларнинг ҳар қандай турдаги камситилишига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция асосида БМТ Кўмитаси тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаси	Узоқ муддатли Комплекс	Маблағ ажратиш кўзда тутилмаган,
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2017 йиллар даврида болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"	Узоқ муддатли Комплекс	Маҳаллий бюджет
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2221-сонли қарори	Узоқ муддатли Комплекс	Маҳаллий бюджет
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 мартдаги ПҚ-2815 сонли "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида" қарори	Қисқа муддатли	Республика бюджети

2.2-ЖАДВАЛ

Ривожлантиришнинг Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари томонидан ижро қилинаётган намунавий дастурлари (Наманган вилояти)

Вилоят ҳокимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти		
<i>Ходимлар сони – 1 киши: 1 котибият мудири</i>		
Дастур номи	Давомийлиги ва тури	Молиялаштириш манбаи
1 2017 йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакат Президентининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган суҳбатида таъкидланган вазифалар бўйича дастур	Қисқа муддатли, Худудий	Маҳаллий бюджет
2 2017 йили жойларда Рамазон ҳайитни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастур	Қисқа муддатли, Комплекс	Маҳаллий бюджет

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибияти		
<i>Ходимлар сони - 7 киши: 1 котибият мудири, 1 бош мутахассис, 1 ётакчи мутахассис, 1 та 1-тоифали мутахассис, 1 та тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга қўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳ раҳбари, 1 та бош мутахассис, 1 та ётакчи мутахассис</i>		

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 322-сонли, 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 178-сонли қарорлари	Узоқ муддатли, Худудий	Маҳаллий бюджет, ташаббускорлар маблағлари
2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Худудий	Маҳаллий бюджет, ташаббускорлар маблағлари, банк кредит маблағлари
2017 йилда янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Комплекс	Республика бюджети/ Маҳаллий бюджет
2017 йил учун озиқ-овқат дастурлари	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Комплекс	Маҳаллий бюджет

2017 йилда ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш бўйича Инвестиция дастури	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Комплекс	Маҳаллий бюджет, ташаббускорлар маблағлари, банк кредит маблағлари
“Ички истеъмол бозорида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервислар сифатини яхшилаш” дастури	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Худудий	Маҳаллий бюджет, ташаббускорлар маблағлари, банк кредит маблағлари
Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури	Ўрта муддатли Комплекс	Маҳаллий бюджет, ташаббускорлар маблағлари, банк кредит маблағлари

Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги ва сув масалалари бўйича котибияти

Ходимлар сони - 3 киши: 1 котибият мудири, 1 бош мутахассис, 1 та 1-тоифали ётакчи мутахассис

2018-2022 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастури	Ўрта муддатли Комплекс	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет
2017 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастури	Қисқа муддатли Комплекс	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет
Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳаракат дастури	Узоқ муддатли Худудий	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет

Ҳокимликнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти

Ходимлар сони - 4 киши: 1 котибият мудири, 1 бош мутахассис, 1 ётакчи мутахассис, 1 та 1-тоифали ётакчи мутахассис

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил Инвестиция дастури тўғрисида»ги ПҚ-2264-сонли қарори	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Комплекс	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет
2017 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2017 йилги қурилишнинг асосий параметрлари бўйича дастур	Қисқа муддатли Комплекс	Ислом Тараққиёт Банки маблағлари

Вилоят ҳокимлигининг хотин қизлар масалалари бўйича котибияти

Ходимлар сони – 2 киши: 1 котибият мудири, 1 бош мутахассис

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли фармони	Узоқ муддатли Комплекс	Республика бюджети
Аёлларнинг ҳар қандай турдаги камситилишига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция асосида БМТ Кўмитаси тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаси	Узоқ муддатли Комплекс	Маблағ ажратиш кўзда тутилмаган,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги 892-сонли қарор	Узоқ муддатли Комплекс	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2221-сонли қарори	Ўрта муддатли Комплекс	Республика бюджети ва маҳаллий бюджет

Ҳокимликнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлар бўйича котибияти

Ходимлар сони – 4 киши: 1 котибият мудири, 1 бош мутахассис,
1 етакчи мутахассис, 1 та 1-тоифали етакчи мутахассис

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги дастур	Узоқ муддатли, Худудий	Республика бюджети ва Маҳаллий бюджет
Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдаги давлат ёшлар сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги дастур	Қисқа муддатли, Ҳар йилги Комплекс	Республика бюджети ва Маҳаллий бюджет

ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ ВОСИТАЛАРИ

Вазият таҳлили

Вазият таҳлили ҳудуд (шаҳар ва туманлар) бўйича йиллар давомида (10-15 йил) ўзгариб турган статистик ахборотни йиғиш ва унга ишлов беришни, шунингдек, маҳаллий мутахассислар, тадбиркорлар ҳамда жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўровни ўз ичига олади. Одатда, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик таҳлили қуйидаги йўналишлар бўйича тадқиқотларни кўзда тутлади:

Ҳудуднинг умумий тавсифи

Бу бўлимда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари (географик жойлашуви, ҳудудий тавсифи) келтирилади. Ҳудуднинг асосий ижтимоий-иқтисодий ҳолати (тармоқлар бўйича, тармоқлараро, ишлаб чиқариш хусусияти бўйича ҳудуднинг институционал ўзгаришлари билан бирга) аниқлаб олинади. Ижтимоий-иқтисодий омилларни баҳолаш асосида ҳудуд тараққиёти ижтимоий-иқтисодий даражасининг келтирилган умумий баҳоси мамлакатнинг бошқа ҳудудлари орасида мазкур ҳудуднинг аҳамияти ва ўрнини ойдинлаштириш, тараққиётни олдинга ундовчи ва тўхтатувчи омилларни, рақобатбардошлигини аниқлаш имконини беради.

Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг умумий кўринишини тузиш ва ҳудуд тараққиётини ислоҳ этишда эҳтиёжларни аниқлаш учун ҳозирги вазиятни баҳолаш ушбу бўлимнинг асосий мақсадидир.

Асосий кўрсаткичлар:

- » ҳудуднинг табиий-географик ҳолати: жойлашган ўрни (чеккарага яқин жойлашуви, пойтахтдан узоқлиги ёки асосий тараққиёт марказлари), иқлим хусусиятлари (атроф-муҳит, ҳайвонот дунёси ва иқлими); жойнинг рельефи (паст текисликлар, тоғолди ва тоғли жойлар, чўл ва дашт зоналари мавжудлиги); ҳудуднинг сув ва энергия таъминотини тавсифловчи сув (дарё, канал ва кўллар) ва энергетик (ГЭС, ТЭС, электр узатиш линиялари) ресурслари мавжудлиги; ҳудудлараро алоқа кўлами ва миқёсини кенгайтирувчи транспорт тугунлари ва марказларини (темир йўл ва автомобиль йўллари, логистика марказлари) таҳлил этишдир;
- » жойлаштириш тизими ва меҳнат бозори демографик вазият (аҳоли сони, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли зичлиги, вилоятларнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши), меҳнат потенциали (бандлик ва ишсизлик даражаси, миграция оқими ва унинг омиллари) таҳлилини ўз ичига олади;

» ҳудуд иқтисодиёти шаклланган иқтисод йўналганлигини (ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) тармоқ тузилмаси, ЯҲМ ихтисосликлари - аграр, аграр-индуриал ёки индустриал) баҳолашни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришнинг республика иқтисодига катта ҳисса қўшаётган муҳим турлари, асосий йўналишлари (қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш соҳаси, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳамда хизматлар) ва шу ҳолатнинг юзага келиш шартлари (хом ашё ресурсларига, истеъмол бозорига ва шу кабиларга яқинлик) аниқланади;

» иқтисодиётда тузилмавий ўзгариш муайян вақтлар оралиғида ўтмишдагига нисбатан ҳудуддаги эврилишлар динамикасини тавсифлайди. Баҳолаш ўсиш суръатини таҳлил қилиш, мезонли ва жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичларни ўлчаш, саноатлаштириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш жараёнлари орқали амалга оширилади (3.1-жадвал);

» мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси ҳудудларнинг интеграциялашган индексини¹⁰ ҳисоблаш йўли билан асосий индикатор бўйича амалга оширилади (3.2-жадвал). Республика ва ҳудудий кўрсаткичлар таққослаб чиқилиб, ҳудудга берилган баҳо ҳудуддаги ва ҳудудлараро рақобатдош муҳитда ҳудуднинг устунликлари, ортиқ ва кам томонларини аниқлаш имконини беради.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудуднинг салмоғи (%да)

3.1-ЖАДВАЛ

Кўрсаткич	Йиллар			
	2000	2005	2010	2015
Ҳудуди				
Аҳоли сони				
Иқтисодиётда банд аҳоли сони				
Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)				
Саноат маҳсулоти				
Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш				

10 Индекс иқтисодий (жон бошига тўғри келувчи ЯҲМ саноат ва қишлоқ хўжалиги, инвестициялар, қурилиш, товарлар экспорти ва хизмат кўрсатиш) ва ижтимоий (аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад, чакана товар алмашинуви, пулли хизматлар, шунингдек, бошлана, шифохона қаравотлари, амбулатория-поликлиника муассасалари, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланганлик кўрсаткичи) кўрсаткичлар асосида ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш				
Асосий капиталга инвестициялар				
Хорижий инвестициялар				
Хизматлар				
Чакана маҳсулот айланмаси				
Пулли хизматлар				
Ташқи савдо айланмаси				
Жумладан, экспорт				
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий турлари (Масалан):				
автомашиналар				
ип-газлама				
туқимачилик маҳсулотлари				
пахта-тола				
ва бошқалар				

3.2-ЖАДВАЛ

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2000 йил			2016 йил		
	ЎзР	Худуд	Худуд ўрни	ЎзР	Худуд	Худуд ўрни
<i>Ижтимоий ривожланиш</i>						
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, минг сўм						
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана маҳсулот айланмаси, минг сўм						
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пулли хизматлар, минг сўм						
Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм						
Уй-жой билан таъминланганлик, м ²						
Ҳар 10 минг кишининг АПМ билан таъминланганлиги						
Ҳар 10 мингта одамга тўғри келадиган касалхона ўринлари билан таъминланганлик						

Бир сменадаги умумтаълим мактаблари билан таъминланганлик, %				
Марказлашган сув таъминоти билан таъминланганлик, %				
Табиий газ билан таъминланганлик, %				
<i>Иқтисодий ривожланиш</i>				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулоти, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган қурилиш ишлари, минг сўм				
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ва хизматлар экспорти, АҚШ доллари				
Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеграл индекси				

Демографик вазият

Худудни ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатлари аҳоли сонининг табиий ўсиш динамикаси суръатини тавсифловчи демографик ривожланиш масалаларини, шунингдек, унинг демографик тузилмага таъсирини қамраб олади.

Бу бўлимнинг асосий мақсади ҳудуд аҳолиси хусусиятларини, демографик жараёнларга таъсир кўрсатувчи омилларни ва демографик вазиятни барқарорлаштириш имконларини аниқлашдир.

Асосий кўрсаткичлар:

- » аҳолининг ҳудудда жойлашиш хусусиятлари деганда шаҳар ва қишлоқда яшовчи аҳоли сони ва йиллик ўсиб бориши таҳлили, аҳоли зичлиги, аҳоли концентрациясини аниқлаш (аҳоли зич ва сийрак жойлашган ҳудудлар), ҳудуд туманлари бўйича аҳоли жойлашувининг

омилларини аниқлаш тушунилади. Бундан ташқари, демографик потенциалнинг асосий хусусиятларидан ҳудуд аҳолисининг жинси ва ёши бўйича таркибини ҳамда миллий таркибини ўрганиш мумкин;

- » урбанизация жараёни ҳудуднинг хусусиятларини баҳолаш имконини яратади ҳамда ҳудуднинг шаҳарлашувини тўхтатиб турган омилларни аниқлайди. Ушбу хусусиятлар, биринчи ўринда, шаҳар ва шаҳар посёлкалари аҳолиси сони ва концентрациясининг ўзгаришига боғлиқ;
- » аҳолининг ривожланиш омиллари табиий ўсишни билдиради ва туғилиш тенденциясини (минг кишига нисбатан туғилиш коэффициенти, репродуктив ёшдаги (15-49 ёш) аёлнинг туғиш кўрсаткичи, чақалоқлар сони), ўлим коэффициенти (ҳар минг кишига нисбатан вафот этганлар сони, туғилганлар ва вафот этганлар миқдори нисбати, ҳар минг туғилган чақалоққа нисбатан нобуд бўлиш даражаси ва ҳар юз минг ёш онага нисбатан оналар ўлими даражаси) ва миграция оқими даражасини (миграция сальдоси) (3.3-жадвал) баҳолашни ўз ичига олади. Берилган бу баҳо асосида ҳудуд аҳолисининг табиий ўсиб ўзгариши ва умри давомийлигини белгилувчи омиллар аниқлаштирилади;
- » аҳоли структураси ва сони динамикасида тенденция ўзгариши. Ҳудуд шаҳарлари ва туманлари бўйича аҳоли сони башорат қилинади (ИПМИ ишлаб чиқилади) (3.4-жадвал). Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқдаги аҳоли сони ва урбанизация жараёнлари тенденциясининг кучайиши башорат қилинади.

3.3-ЖАДВАЛ

Ҳудуднинг демографик ҳолати тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2000	...	2005	...	2010	...	2015
Аҳоли сони, минг киши							
Ўтган йилдагига нисбатан ўсиш суръати, %							
Жумладан:							
• шаҳар аҳолиси							
• қишлоқ аҳолиси							
Аҳоли зичлиги, киши/км ²							
Ҳар минг кишига нисбатан аҳолининг кўчиш омиллари, %:							
• туғилиш коэффициенти							

• ўлиш коэффициенти							
• табиий ўсиш коэффициенти							
• кўчиб кетганлар сони, киши							
• кўчиб келганлар сони, киши							
• миграция сальдоси							
Кутилаётган ҳаёт давомийлиги динамикаси, йил							

Ҳудуд ижтимоий соҳаси ривожланишининг кутилаётган кўрсаткичлари

3.4-ЖАДВАЛ

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда	Кўрсаткичлар				Ўзгариш (+, -) 2030 й. дан 2015 й. га
		2015	2016	2020	2025	
Доимий аҳоли сони, минг киши						
Аҳолининг ўсиш суръати, маълум вақт оралиғида ўтган йилдаги айни кўрсаткичга нисбатан фоизда						
Ўртача йиллик аҳолининг ҳар 1000 нафарига тўғри келадиган туғилиш коэффициенти						
Ўртача йиллик аҳолининг ҳар 1000 нафарига тўғри келадиган умумий ўлиш коэффициенти						
Аҳолининг ҳар 1000 нафарига тўғри келадиган табиий ўсиш коэффициенти						
Миграция ўсиш коэффициенти (ҳар 1000 кишига), промилле						
Ишсизлик даражаси, %						
Реал иш ҳақининг ўсиш суръати, ўтган йилдагига нисбатан %да						
Ўртача номинал ойлик иш ҳақи (ўртача бир йилда), минг сўм						
Номинал ойлик иш ҳақининг ўсиш суръати, ўтган йилдагига нисбатан % да						

Аҳоли бандлиги ва меҳнат бозори

Тараққиётнинг ижтимоий жиҳатларини белгилашда бандлик даражасини аниқлаш катта аҳамият касб этади. Бандлик даражаси меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклифга, меҳнат ресурсларининг ёш тузилишига, иш кучининг сифатига, яъни маълумоти ва малакасига боғлиқ.

Бу бўлимнинг асосий мақсади бандлик даражасини ошириш бўйича таклиф ва тавсияни шакллантириш ҳамда унинг тузилмасини оптималлаштириш, ҳудуддаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг сифатини яхшилашдир.

Асосий кўрсаткичлар:

- » ҳудуднинг меҳнат ресурслари бу ресурслар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли (жинси ва ёши бўйича, малакаси бўйича таркиби, маълумот даражаси (3.5-жадвал) сони ва ўсиш суръати, меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли улушининг динамикаси, банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, бандлик ва ишсизлик даражаси меҳнат ресурсларини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари саналади. Ҳудуднинг меҳнат салоҳияти ҳудудлар ва мамлакатларнинг яхлит кўрсаткичларини¹¹ жамлаб солиштириш йўли билан баҳоланади. Шу билан бирга малакавий таркиб бўйича меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасининг сабаблари аниқланади;
- » аҳоли бандлиги асосий жиҳатлар ва тенденциялар (бандлик даражаси динамикаси, ёш ва жинс бўйича таркиби, маълумот даражаси ва бошқалар) таҳлилини ўз ичига олади. Бундан ташқари тармоқлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш), секторлар (иқтисодий, ижтимоий в.б.) ва ҳудудлар (мамлакат ҳудудлари ва вилоят ҳудудларига нисбатан) бўйича бандлик даражаси, шунингдек, бу структура ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар белгиланади; соҳалар ва ҳудудлар бўйича иш ўринлари ташкил қилиш (бу ўринда янги объектларни ташкил этиш ва ишлаб турганларини қайта қуриш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун кичик тадбиркорлик ва касаначиликни, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш белгиланади); норасмий бандлик даражаси ва омиллари белгиланади (3.5-жадвал);
- » тенденцияси, омиллари ва динамикасини ҳисобга олиб, ишсизлик баҳоланади. Ишсизлик даражаси, шу жумладан,

11 Меҳнат салоҳиятини белгилашда меҳнат ресурсларидаги иқтисодий фаол аҳоли, бандлик ва ишсизлик даражаси, ишчи кучи миграцияси сингари кўрсаткичлар ҳисобга олинади

меҳнат биржасида қайддан ўтган шахслар сони баҳоланади. Шу билан бирга ишсизлик динамикаси ва омилларини кўрсатувчи омиллар идентификацияланади, яширин ва мавсумий ишсизлик миқёси ва омиллари аниқланади¹²; туман бандликка кўмаклашиш (бўш юрганлар ва бошқаларни иш билан таъминлаш) марказлари иштирокида қайта ўқитиш дастурлари ва ишсизларни қайта тайёрлаш самараси баҳоланади;

- » меҳнат миграцияси иш кучининг чиқиб кетишини аниқлаш; миграция йўналиши ва даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни идентификациялаш; меҳнат миграциясининг меҳнат бозорига таъсирини ва аҳоли яшаш даражасини баҳолаш имконини беради;
- » меҳнат бозори ҳудуд иқтисодиётидаги энг талабгир мутахассисликларни белгилайди, турли фаолият соҳаларида кадрлар ортиқчалиги ёки етишмовчилигини, соҳалар, мутахассисликлар ва ҳудудлар бўйича бўш иш жойлари мавжудлигини аниқлайди;
- » меҳнат ресурслари ва уларнинг омилларини баҳолаш натижасида SWOT-таҳлил тайёрланади. SWOT-таҳлилдан келгусида бандлик даражасини ошириш ва ҳудуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Ҳудуднинг меҳнат ресурслари баланси (минг киши)

3.5-ЖАДВАЛ

Кўрсаткичлар	Йиллар ¹³	ЎзР	Ҳудуд	Жумладан			
				шаҳарлар	...	туманлар	...
Аҳоли сони	2000						
	2005						
	2010						
	2015						

12 Яширин ва мавсумий ишсизлик бўйича статистик маълумотлар йўқлигини ҳисобга олиб, уларни маълумотлар йиғишининг сифатли услублари орқали йиғиш керак бўлади. Статистик маълумотларнинг йўқлиги ушбу муаммони ўрганишдан бош тортиш учун сабаб бўлмаслиги керак, чунки аграр секторда ислохотлар келтириб чиқарган, ишчи кучининг ёппасига ишдан бўшаб кетиши, яширин ва мавсумий ишсизлик муаммолари республика ҳудудлари учун долзарб масалаларга айланган.

13 Таянч, оралиқ ва жорий даврлар кўриб чиқилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли									
Иқтисодий фаол аҳоли									
Банд аҳоли сони									
Жумладан:									
○ саноатда									
○ қишлоқ хўжалигида									
○ қурилишда									
○ хизмат кўрсатиш соҳасида									
○ транспорт ва алоқада									
○ бошқа соҳаларда									
Ишсизлар сони									

Табиий-ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳияти

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига табиий-ресурс салоҳияти (ҳам салбий, ҳам ижобий) жиддий таъсир кўрсатади. Худуднинг табиий-ресурс салоҳиятига минерал-хом ашё, меҳнат, ер-сув ва энергетик ресурслари киради. Бирор-бир ресурснинг мавжудлиги ва миқёси, бир тарафдан, худудда иқтисоднинг интенсив равишда ўсишига замин яратади, иккинчи тарафдан эса, тўпланган потенциал иқтисодни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларига асос бўлиб хизмат қилади.

Бу бўлимнинг асосий мақсади худуднинг табиий-ресурс салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш асосида ишлаб-чиқариш имкониятлари ва заҳираларни аниқлашдир.

Асосий кўрсаткичлар:

- » минерал-хом ашё ресурслари фойдали қазилмаларнинг баланс заҳираси маълумотлари бўйича балансланган, консерваланган ва олдиндан чамаланган заҳираларни ҳисобга олиб баҳоланади. Асосий қазилма конларига (ёқилғи-энергетик қазилмалар, рангли, қимматбаҳо ва қора металллар, тоғ-кимёвий ва тоғ-техник ресурслари, қурилиш материаллари ресурслари ва ер ости сув конлари),

уларнинг жойлашуви, ўзлаштирилиш даражаси ва ишлатиш шарт-шароитларига геологик-иқтисодий жиҳатдан баҳо берилади. Баҳолаш ҳар бир хом ашё турининг жойлашган ўрни ва аҳамияти, улардан рационал фойдаланишнинг эҳтимолий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади (3.6-3.7-жадваллар). Минерал-хом ашё ресурсларининг жойлашуви ва улардан фойдаланиш меъёри таҳлил қилинади. Таҳлил асосида худуд ва унинг айрим худудлари минерал-хом ашё салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш учун стратегик нуқтаи назар шаклланади;

- » маҳсулотни қайта ишлашни такомиллаштириш эвазига қишлоқ хўжалиги ресурслари худудларнинг заҳираларини ва афзалликларини яратади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий турлари, ҳажми, аҳоли истеъмолига, эскпортга ва саноат қайта ишлашига йўналтирилганлиги баҳоланади (3.8-жадвал);
- » иқтисодиётнинг сув талаб қилувчи секторлари ва аҳоли истеъмолини таққослаш орқали сув ресурслари баҳоланади. Айрим худудларда сув етишмаслигининг кучайиш эҳтимоли чамаланади. Сув ресурслари баланси истиқболини баҳолашда ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланишнинг ички заҳираси, сувни тежовчи технологиялар жорий этилгани ҳисобига иқтисод этилган сув ҳажми ҳисобга олинади (3.9 жадвал);
- » ер ресурсларига ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва экинлар бўйича баҳо берилади. Бунда табиий шароит, техник имкониятлар ва иқтисодий мувофиқлик эътиборга олинади. Ҳар бир худуддаги қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиш мумкин бўлган майдон аниқланади (3.10-жадвал). Ер ресурслари баланси истиқболи экинзорлар структурасини, ички заҳиралар ва ердан, жумладан, тоғли ва тоғолди ерлардан, чўл зоналаридан самарали фойдаланиш имкониятларини кучайтиришни назарда тутаяди;
- » ишлаб-чиқариш инфратузилмасини баҳолашда транспорт тизими (транспорт тугунлари борлиги, темир йўл ва автомобиль йўллари ўтказилганлиги, уларнинг ҳолати ва ўтказиш қобилияти), электр таъминот тизими (энергия ишлаб чиқариш объектлари ва электр ўтказиш линиялари борлиги, трансформаторлар борлиги ва уларнинг сифати, худуднинг электр энергиясига бўлган талаби), газ таъминоти, сув таъминоти ва оқар сувлар эътиборга олинади. Бундан ташқари фаолияти суст ва ишламай ётган объектлар аниқлаштирилади ва ишлаб чиқаришни жонлантириш йўлида чоралар кўрилади.

3.6-ЖАДВАЛ

Минерал-хом ашё салоҳиятини баҳолаш

Фойдали қазилма номи	Ҳудуд	Жумладан			
		шаҳарлар	...	туманлар	...
Металлар	Жами				
	жумладан, ишлаб чиқиладиган				
Тоғ рудаси хом ашёси	Жами				
	жумладан, ишлаб чиқиладиган				
Тоғ-кимё хом ашёси	Жами				
	жумладан, ишлаб чиқиладиган				
Қурилиш материаллари	Жами				
	жумладан, ишлаб чиқиладиган				
ЖАМИ:	Жами				
	жумладан, ишлаб чиқиладиган				

3.7-ЖАДВАЛ

Ҳудудда минерал-хом ашёнинг асосий турларидан фойдаланиш даражаси

Минерал хом ашё тури	Конлар сони		Йиллик қазиб чиқариш, заҳираларга нисбатан % да	Қазиб чиқаришнинг замонавий даражаси-да заҳиралар билан таъминланганлик, йил
	жами	жумладан, ишлаб чиқиладиганлари		
Гидроминерал ресурслар				
ер ости сувлари				
минерал сувлар				
Нометал фойдали қазилмалар				
Қурилиш материаллари				
цемент хом ашёси				
қурилиш тошлари				
оҳак ишлаб чиқариш учун оҳактош				

қум-гравий материаллари				
ғишт хом ашёси				
Тоғ-руда хом ашёси				
Волластонит				
дала тоши				
чиннибоп тош				
шпат				
асбест				
вермикулит				
Тальк				
кварц ва бошқалар				
Тоғ-кимё хом ашёси				
минерал тузлар				
Агрорудалар				
фосфоритлар ва ҳ.				
ЖАМИ:				

Қишлоқ хўжалиги ресурслари мавжудлигини баҳолаш

3.8-ЖАДВАЛ

Тур номи	Ҳудуд	Жумладан			
		шаҳарлар	...	туманлар	...
Мевалар	маҳсулотлар – жами				
	аҳоли истеъмоли				
	саноатда қайта ишлаш				
Сабзавотлар	экспорт				
	маҳсулотлар – жами				
	аҳоли истеъмоли				
	саноатда қайта ишлаш				
экспорт					

Полиз маҳсулотлари	маҳсулотлар – жами						
	аҳоли истеъмоли						
	саноатда қайта ишлаш						
Узум	экспорт						
	маҳсулотлар – жами						
	аҳоли истеъмоли						
	саноатда қайта ишлаш						
Гўшт	экспорт						
	маҳсулотлар – жами						
	аҳоли истеъмоли						
	саноатда қайта ишлаш						
Сут	экспорт						
	маҳсулотлар – жами						
	аҳоли истеъмоли						
	саноатда қайта ишлаш						
	экспорт						

3.9-ЖАДВАЛ

Мавжуд ва фойдаланиладиган сув ресурслари баланси (млн.м³)

Кўрсаткичлар	Йиллар (2000, 2005, 2010, 2015)	ЎзР	Худуд	Жумладан			
				шаҳарлар	...	туманлар	...
Мавжуд:							
Жами							
Жумладан:							
асосий дарё йўллари							
кичик дарёлар							
ер ости сувлари							
қайталанувчи сувлар ва ҚДТ							
фойдаланиладиган:							
жами							
жумладан:							

Сугориш							
коммунал хўжалик							
Саноат							
қишлоқ хўжалиги сув таъминоти							
сел омборларини тўлдириш							
Бошқалар							

Вилоят ер ресурслари баланси (минг га.)

3.10-ЖАДВАЛ

Кўрсаткичлар	Йиллар (2000, 2005, 2010, 2015)	Худуд	Жумладан			
			шаҳарлар	...	туманлар	...
Ерлар экспликацияси						
Умумий майдон, жумладан, томорқа учун ерлар – жами						
Жумладан, аҳоли жон бошига						
Қишлоқ хўжалигида ишлатилмайдиган ерлар – жами						
жумладан, аҳоли жон бошига						
Экин ерлар – жами						
Жумладан:						
○ сугориладиган ерлар						
○ лалмикор ерлар						
Аҳоли жон бошига экин майдонлари – жами						
Жумладан:						
○ сугориладиган ерлар						
○ лалмикор ерлар						
Тупроқ бонитети балли, балл						

Ижтимоий тараққиёт

Тармоқлар мажмуи сифатида ижтимоий соҳа фаолияти шахс ҳар тарафлама ривожланиши учун умумий шарт-шароитлар яратиш, жамиятнинг меҳнат қилиш, интеллектуал ва истеъмол салоҳиятини кенг намоён этишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, у ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимида муҳим ўрин тутди. Иқтисодий салоҳиятнинг, меҳнат бозорининг, даромадлар даражаси ва аҳоли истеъмолининг ривожланиш тенденцияси ҳудуднинг ижтимоий тараққиётига олиб келади.

Мазкур бўлимнинг асосий мақсади аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси объектлари билан таъминланганлик бўйича шаҳар ва қишлоқ орасидаги фарқни камайтиришдан иборат.

Асосий кўрсаткичлар:

- » аҳолининг фаровонлик даражаси жон бошига тўғри келувчи даромад ва харажатнинг ўсиб бориши, концентрациялашуви, чакана товар алмашинуви, пулли хизматлар ва ўртача ойлик иш ҳақи ортисини ўз ичига олади (3.11-жадвал). Аҳолининг жамланма даромадлари манбалари, пул жамғармалари ва уй хўжаликлари истеъмол харажатлари тузилмаси динамикасини ҳудудлар бўйича (мамлакат ҳудудларини ва вилоят туманларини ўзаро таққослаш) баҳолаш ўтказилади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёрдамнинг алоҳида томонлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг асосий йўналишлари таҳлил қилинади;
- » соғлиқни сақлаш тизими асосий қонуниятларга асосланганлигидан келиб чиққан аҳоли саломатлиги ҳолати, муаммо ва номутаносибликларни баҳолаш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш сингари соҳаларни ўз ичига олади. Касаллик турлари бўйича касалланиш даражасини таҳлил қилиш асосида ҳудуднинг ўзига хос томонлари ва у ердаги аҳолининг таснифланиш бўйича касалланиш тенденциялари, жумладан, она ва боланинг саломатлик ҳолати аниқланади. Бундан ташқари соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ривожланиши даражасини таҳлил қилиш, санитария қоидалари ва тиббий меъёрларга мувофиқ ихтисослашган тиббий ёрдамга тавсиф бериш, профлактик кўриклар самарадорлиги, аҳолининг соғлиқни сақлаш объектлари ва тиббий кадрлар билан таъминланганлиги, жумладан, тиббий хизматларнинг бошқа зарурий жиҳатларини таҳлили қилиш керак бўлади;

» ҳудуднинг таълим тизими унинг энг муҳим томонларини акс эттирувчи қатор белгилар таълим тизимининг даражасини таснифлаш, унинг ўзига хос жиҳатларини ойдинлаштириш ва ҳудуддаги таълимдан фойдаланиш имконияти ва сифати даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Ушбу йўналиш бўйича ҳудуддаги таълимнинг динамикадаги ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари (қамров ва фойдаланиш имконияти, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касбий таълим ва олий таълим) ўрганилади. Шу билан бирга кадрлар билан таъминланишни (мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар билан, умумий ўрта мактабларда ўқитувчилар билан, ўрта махсус касбий таълим билим юртларида ва олий таълим муассасаларида профессор ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлик, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлик) баҳолаш тақдим қилинади, ўқув юртларининг профессор ўқитувчилар таркиби тайёргарлиги ва малака даражаси ва таълим дастурлари сифати таҳлил қилинади;

» ижтимоий инфратузилма аҳолининг уй-жой билан, касалхона ўринлари, амбулатория-поликлиника муассасалари, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси билан белгиланувчи аҳолининг яшаш шароитларини тавсифлайди. Шу билан бирга маълум вақт оралиғида, жумладан қишлоқ жойларида ижтимоий дастурлар амалга оширилишига (ижтимоий инфратузилма объектларининг ишга туширилишига) баҳо берилади. Ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланишга қулай шарт-шароитлар яратилишига ғов бўлаётган омиллар аниқланади.

Ҳудуднинг ижтимоий соҳаси ҳолати

3.11-ЖАДВАЛ

Кўрсаткичлар	Йиллар (2000, 2005, 2010, 2015)	ЎзР	Ҳудуд	Жумладан		
				шаҳарлар	... туманлар	...
Турмуш даражаси кўрсаткичлари						
Аҳоли жон бошига даромадлар, минг сўм						
Аҳоли жон бошига харажатлар, минг сўм						
Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм						
Аҳоли жон бошига чакана маҳсулот айланмаси, минг сўм						

Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни баҳолашда унинг қиймати маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига у ёки бу турдаги маҳсулотлар бўйича¹⁵ ҳудуднинг эҳтиёжларини қондириш даражасини аниқлаб берувчи аҳоли эҳтиёжлари нисбатига кўпайтирилади (3.15-жадвал). Соҳа ривожланишини таъминловчи ёки ишлаб чиқаришни пасайтирувчи омиллар, шаҳар ва туманлардаги ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинмаган ресурслар ва ўсиш заҳиралари аниқланади;

» саноатнинг технологик тузилмасини баҳолаш ҳам ашё ишлаб чиқариш ва ишлов беришнинг мавжудлиги, технологик жараёни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳудудларга тавсиф бериш имконини яратади. Паст, ўрта ва юқори технологик маҳсулотларни қазиб олиш ва бирламчи ишлов бериш концентрацияси даражасига баҳо берилади;

» маҳаллий ҳам ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш ривожланишини баҳолаш маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сотилиши ҳажмларининг ўсиш динамикаси таҳлили, маҳсулот турлари бўйича маҳаллийлаштириш ва экспорт ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг ҳажмини баҳолашга асосланадиган самарадорлик даражасини ўз ичига олади (3.16-жадвал). Шунингдек, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури амалга оширишга салбий таъсир қилувчи муаммолар аниқланади;

» ишлаб чиқаришни модернизация қилиш даражаси¹⁶ ни баҳолаш ишлаб чиқариш фаолиятига инвестицион ресурсларни жалб қилиш, асосий капитал (асосий жамғармалар)нинг ўсиши, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда саноатнинг техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига тавсиф бериш имконини яратади;

15 Маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига ҳудуднинг у ёки бу турдаги маҳсулотга ҳудуд эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси куйидаги формула асосида аниқланади: $D_n = \frac{V_n}{N_{\text{аҳоли}} \times P_n}$, бу ерда D_n – ҳудуднинг маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминланганлик даражаси; V_n – n турдаги маҳсулотнинг натурал кўринишда йиллик ишлаб чиқарилиш ҳажми, т (дона.); $N_{\text{аҳоли}}$ – 1 та одамга тўғри келадиган, n турдаги маҳсулотни истеъмол қилишнинг йиллик тиббий меъёри, т (дона.); P_n – ҳудуд аҳолиси сони, минг киши. Агар D_n нинг қиймати 1 дан катта бўлса, ҳудудни у ёки бу турдаги маҳсулот билан таъминланган, дейиш мумкин. Юқори сифатли ва талабгир бўлган кўшимча маҳсулот истеъмол учун қўшни ҳудудларга ёки экспортга йўналтирилиши мумкин. Агар D_n нинг қиймати 1 дан кам бўлса, ҳудуд бирламчи зарурар маҳсулотлари билан етарлича таъминланмаган ва бу муаммони келгусида ҳал қилиш зарур бўлади.

16 Ишлаб чиқаришни модернизация даражаси ишлаб чиқаришнинг ўсиши капитал қайтими кўрсаткичлари, машина ва ускуналар импорти, янгиланиш, сафдан чиқиш, ўсиш коэффициентлари, машина ва ускуналарнинг яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда, интеграл индекс асосида ҳисобланади.

» минтақа саноатининг ҳудудий ривожланиши (ҳудудларнинг саноат салоҳиятини баҳолашда ҳам шундай йўл тутилади) шаҳар ва туманларни саноат ривожланганлиги даражасида гуруҳлаш имконини беради ва уларнинг ҳудуддаги ўрнини таъминловчи омилларни тизимлаштиради;

» юқорида айтиб ўтилган йўналишларни ўрганиш асосида ҳудуднинг имкониятларини аниқлаб берувчи ижобий томонларини, шу билан бирга истиқболда муайян хавфларга олиб келувчи камчиликларини акс эттирувчи SWOT-таҳлил шакллантирилади.

Ҳудуд саноатининг ривожланиш динамикаси

3.12-ЖАДВАЛ

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Йиллар				Ўсиш, % / ўзгариш, +, -
		2000	2005	2010	2015	
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм					
ЯҲМда саноат ҳиссаси ¹⁷	%					
Ҳудуднинг мамлакат саноати ривожига ҳиссаси	%					
Саноат маҳсулотининг қўшилган қиймати	млрд. сўм					
Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти	минг сўм					
Саноат маҳсулоти даражаси*	%					
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми	млрд. сўм					
Ҳудуднинг мамлакат истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси	%					
Истеъмол моллари ишлаб чиқаришда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссаси	%					
Истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссаси	%					
Аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш	минг сўм					
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражаси*	%					

* ҳудуднинг жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг республика ўртача даражасига нисбати.

17 Мамлакат ҳудудлари даражасида ҳисобланади.

Экспорт, минг АҚШ доллари									
Импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, минг АҚШ доллари									
Маҳаллийлаштириш даражаси, %									
Кутилмавий кўрсаткичларга эришиш, %									

Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллаши баробарида ҳудудларнинг озик-овқат билан таъминланишидаги энг асосий омил ва саноат жиҳатдан ривожланиши учун хом ашё базаси саналади. Иқтисодиётнинг аграр секторини тадқиқ қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш самарадорлиги, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш масалаларини кўриб чиқади.

Мазкур бўлимнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни оптималлаштириш бўйича заҳираларни аниқлаш ва аграр секторни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш асосида ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ихтисослашувини чуқурлаштиришдан иборат.

Асосий кўрсаткичлар:

- » иқтисодиётнинг аграр секторидаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги аграр секторнинг замонавий ҳолати (ишлаб чиқариш, жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик ҳажмининг мезонли ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари)ни ва ривожланиш тенденциялари (ўсиш суръатлари ва тузилмавий ўзгаришлар)ни республика миқёсида (мамлакат ҳудудлари билан таққослаганда) кўриб чиқади (3.17-жадвал);
- » ҳудудни ихтисослаштириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришни таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади (барча турдаги маҳсулотлар бўйича натурал кўринишдаги ишлаб-чиқариш мамлакатнинг бошқа ҳудудлари, жумладан, кўриб чиқилаётган ҳудуд туманларининг айти кўрсаткичлари билан таққосланади) (3.18-жадвал);
- » хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш фермерлик, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг фаолиятига (субъектлар сони, ажратилган ерлар майдони, ишлаб-чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари, маҳсулот ҳосилдорлиги/унумдорлигига) баҳо бериш ва унинг самарадорлигида акс этувчи омилларни аниқлаш имконини беради;

» ер ресурслари хўжалик фаолиятининг турли шакллари учун яроқли бўлган ер майдонларини баҳолашни акс эттиради. Ер ресурслари тузилмаси (ер балансига мувофиқ – ҳайдалган ерлар, кўп йиллик ўсимликлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар, томорқа ерлари, ерларга мелиоратив ишлов бериш, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ўрмонлар ва ерлар), суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини (бонитет балига мувофиқ – кучсиз, ўртача ва ўта шўрланган ерлар) баҳолаш ўтказилади (3.19-жадвал). Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш куйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади: 100 га ҳайдалган ерда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг баҳоси, 100 га қишлоқ хўжалик ери ва унда етиштирилган ем-ҳашакка тўғри келадиган етиштирилган чорвачилик маҳсулотининг баҳоси, 1 га қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига тўғри келадиган ялпи ва соф даромад, 1 га қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига тўғри келадиган даромад (3.20-3.21-жадваллар);

» сув ресурслари истеъмол учун яроқли бўлган сувнинг борлиги ва ундан фойдаланишни ифодалайди (дарёлар, кўллар, музликлардаги ер усти чучук сувлари, шунингдек, ер ости горизонтлардаги чучук сувлар). Кўл остидаги сув ресурсларини баҳолаш (асосий дарёнинг ўзанлари, кичик дарёлар, ер ости сувлари, қайталанувчи сувлар ва ҚДТ) ва деҳқончиликда улардан фойдаланиш баҳоланади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тизимини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Чунки уларнинг биологик ўзига хос томонлари, сувга эҳтиёжи ва ҳудуднинг табиий ўзига хос жиҳатларига мувофиқ суғориш меъёрлари белгиланади, ишлаб чиқаришнинг сув қайтими ва сув сигимидан фойдаланилади;

» қишлоқ хўжалигининг техник ва технологик ҳолати хўжалик субъектлари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳудудларининг, жумладан, мулкчилик шаклига кўра, муқобил машина-трактор паркларида (ММТП), фермер хўжаликларида ва бошқа ташкилотлардаги техник воситалар (тракторлар, культиваторлар, сеялкалар, скреперлар, плуглар, пуркагичлар, тиркамалар, дон йиғувчи комбайнлар ва шу кабиларнинг борлиги) билан таъминланганлигининг таҳлилини ўз ичига олади (3.22-жадвал). Хўжалик субъектларининг қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланганлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ишлаб чиққан меъёрий ҳужжатлар билан таққосланади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик техникалари учун ЁММ ва бутловчи қисмлар сотиб олиш муаммолари, қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш ва лизинг ҳисобига хўжалик субъектларининг қишлоқ хўжалик машиналари тураргоҳини кенгайтириш имкониятлари аниқланади;

» туманларнинг қишлоқ хўжалик салоҳиятини баҳолаш шу жойнинг ҳудудий ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқади. Қатор кўрсаткичларни интеграл баҳолаш асосида¹⁸ туманни гуруҳлаш (қишлоқ хўжалик салоҳияти даражаси бўйича – нисбатан ривожланган, ўртача ва камроқ ривожланган туманлар) ва уларнинг ҳудуддаги ўрнини таъминловчи омилларни тизимлаштириш амалга оширилади.

3.17-ЖАДВАЛ Ҳудуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиш динамикаси

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
		2000	2005	2010	2015
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг ялпи ҳажми	млрд. сўм				
Аввалги йилдагига нисбатан ўсиш суръати	%				
ЯҲМ да қишлоқ хўжалиги ҳиссаси ¹⁹	%				
Мамлакат қишлоқ хўжалиги ривожланишида ҳудуднинг салмоғи	%				
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қўшилган қиймати	млрд. сўм				
Аввалги йилга нисбатан ўсиш суръати	%				
Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми	минг сўм				
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг экспорти ҳажми	млн АҚШ долл.				
Ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти даражаси*	%				
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотида зироатчиликнинг солиштирма ҳажми	%				
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотида чорвачиликнинг солиштирма ҳажми	%				
Қишлоқ хўжалигининг умумий кесимида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳиссаси	%				
Қишлоқ хўжалигининг умумий кесимида фермер хўжаликлари ҳиссаси	минг сўм				
Қишлоқ хўжалигининг умумий кесимида деҳқон хўжаликлари ҳиссаси	%				

* ҳудудда жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг республика ўртача даражасига нисбати.

18 Қишлоқ хўжалик салоҳиятини баҳолашнинг концентрация кўрсаткичлари ва жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, интеграл индекс асосида ўтказилади.

19 Мамлакат ҳудудлари даражасида ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш кўрсаткичлари

3.18-ЖАДВАЛ

Номи	Йиллар (таянч ва жорий)	Ҳудуд	Жумладан			
			шаҳарлар	...	Туманлар	...
Дон	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Пахта	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Мевалар	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Ўзум	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Сабзавот	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Полиэкинлари	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Гўшт	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Сут	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					
Тухум	етиштириш, минг тонна					
	ер майдони, минг га					
	ҳосилдорлик, ц/га					

3.19-ЖАДВАЛ Худуднинг ер ресурслари баланси (минг га.)

Кўрсаткичлар	ЎзР	Худуд	Жумладан			
			шаҳарлар	...	туманлар	...
Умумий майдони, жумладан:						
томорқа ерлар						
хайдалган ерлар						
кўп йиллик дарахтлар						
бўз ерлар						
ўтлоқлар						
жами қ/х ерлари						
томорқа ерлар						
ерларни мелиоратив тайёрлаш						
ўрмонзорлар						
қ/х да фойдаланилмаётган ерлар						

3.20-ЖАДВАЛ Худуд қишлоқ хўжалигида соҳалар ихтисослашуви ва уйғунлашувининг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2016 й.
Ялпи ва товар маҳсулоти баҳоси					
100 га қишлоқ хўжалиги экин майдонига	млн сўм				
1 та ишчига	млн сўм				
асосий ишлаб чиқариш воситаларининг 1000 сўмига	млн сўм				
жорий ишлаб чиқариш харажатларининг 1000 сўмига	млн сўм				
Маҳсулот					
100 га ҳайдалган ерга тўғри келадиغان пахта хом ашёси	тонна				
100 га ҳайдалган ерга тўғри келадигандон	тонна				

100 га ҳайдалган ерга тўғри келадиغان гўшт	тонна				
100 га ҳайдалган ерга тўғри келадиغان сут	тонна				
Алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги	%				

Худудда қорамолчилик маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш харажатлари ва уларнинг таннархи

3.21-ЖАДВАЛ

Кўрсаткич	2000	2005	2010	2015
Сут етиштириш				
Соғин чорва моллари асосий подасида ўртача йиллик сигирлар сони				
Етиштириш харажатлари, минг сўм				
Сут етиштиришга тиркалган, минг сўм				
якуний кўрсаткичга нисбатан % да				
бузоқчалар тугилиши учун				
якуний кўрсаткичга нисбатан % да				
Асосий поданинг 1 бош қорамолига кетадиган харажатлар, минг сўм				
1 бош сигирдан олинадиган маҳсулот, центнер сут				
Қорамол таннархи, 1 ц/минг сўм				
Қорамол гўшти ишлаб чиқариш				
Бўрдоқига боқишда ўртача йиллик қорамол сони, дона				
Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм				
Қорамол парваришlashга				
якуний кўрсаткичга нисбатан % да				
Бўрдоқига боқишда бир бош қорамолга тўғри келадиغان ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм				
1 бошқора молдан олинадиган маҳсулот, центнер				
Таннархи, 1 ц/минг сўм				
Қўйчилик				
Қўйларнинг ўртача йиллик сони, дона				
етиштиришхаражатлари, минг сўм				

ўсишга нисбатан				
якуний кўрсаткичга нисбатан % да				
Бир бош қўйга тўғри келадиган етиштиришхаражатлари, минг сўм				
1 бош қўйдан олинадиган маҳсулот, центнер				
Таннархи, 1 ц/минг сўм				

3.22-ЖАДВАЛ Худуд қишлоқ хўжалиги соҳаларининг техник таъминоти ҳолати

Техник жиҳозланганлик	Ишлов берилмаган майдон, минг га	Талаб қилинади, дона	Жами	01.01.2015 й ҳолатига., дона					Нормативга нисбатан	
				Жумладан, 10 йилдан кам муддат ишлаётганлари	машина-трактор паркларида (МТП)	фермер хўжаликларида	бошқа ташкилотларда	ортиқча (+), дона	қам (-), дона	
Умумий мақсаддаги тракторлар										
Универсал-ҳайдов тракторлари										
Юк ташувчи тракторлар										
КХУ-4Б культиваторлари										
Техник экин сеялқалари (пахта) СЧХ-4Б										
Кейс-1200										
Скреперлар										
Плуглар										
ОВХ-600 пуркагичлари										
ЧКУ-4чизель - культиваторлари										
2ПТС-4-793 трактортиркамалари										
Дон йиғувчи комбайнлар										
Бошқа техникалар										
Жами, дона										

Хизматлар соҳаси. Худудлар фаровонлик даражасининг ортиши бўйича олганда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий ўсиш ва бандликнинг асосий омилига айланди. Стратегик таҳлил хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши тенденцияси ва динамикаси, унинг ЯҲМдаги салмоғи, худуднинг соҳавий ва худудий хусусиятларини тасаввур қилиш имконини беради.

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва омилларини ўрганиш асосида худуднинг ривожлантириш заҳираларини кўрсатиб беришдан иборат.

Асосий кўрсаткичлар:

- » худуд хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденцияси, худуднинг биринчи навбатда, бутун республика ривожланишидаги ҳиссасини очиб беради. Худудни мамлакатдаги бошқа худудлар билан таққослаш қатор кўрсаткичларнинг (хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯҲМдаги салмоғи, хизматларнинг ҳажми ва аҳоли жон бошига нисбатан кўрсаткичлари) интеграл индекси асосида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши даражаси бўйича ўтказилади ва худуднинг республикадаги ўрни ҳамда бу ўринни белгилловчи омилларини кўрсатиш имконини беради. Бундан ташқари хизмат кўрсатишнинг ривожланиш динамикаси (ўсиш суръатлари, тузилмавий ўзгаришлар) ҳам кўриб чиқилади (**3.23-жадвал**);
- » соҳавий тузилма худуд учун ноанъанавий бўлган хизмат турларини кўпроқ ривожлантиришга имкони яратади. Хизмат турларини таснифлашни тадқиқ этиш ривожланишнинг замонавий ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш, худуднинг хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан таъминланганлик, диверсификация даражаларини баҳолаш (**3.24-3.25-жадваллар**) кабиларни ўз ичига олади. Ривожлантиришни таъминловчи ёки соҳалар ривожини тўхтатиб қолувчи омиллар аниқланади, хизматларнинг алоҳида кўринишлари бўйича талаб ва тақлифнинг мувозанатлашуви, худуднинг салоҳияти ва тарихий аҳамиятга эга бўлган бино-иншоотларнинг ҳолати, шаҳар ҳамда туманлар кесимида ишга туширилмаган ресурслар ва ўсиш заҳираларига баҳо берилади;
- » чакана савдо айланмаси ва пулли хизматлар ривожланишига баҳо бериш ривожланишнинг асосий тенденциялари таҳлили (худудлар бўйича мезонли ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичлар динамикаси), ҳажм ва тузилманинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни очиб бериш ва омилларини, истеъмол молларига бўлган

талаб ва таклифнинг миқдорий ва тузилмавий мувозанатлашуви даражасининг ортиши учун захираларни аниқлаш кабиларни ўз ичига олади;

- » хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари шаҳар ва туманларни ривожланганлик бўйича (нисбатан ривожланган, ўртача ривожланган ва сустривожланган) гуруҳларга ажратиш ҳамда уларнинг ҳудуддаги ўрнини белгиловчи омилларни тизимлаштириш имконини беради;
- » таҳлил натижалари ва салоҳиятни баҳолашни умумлаштириш SWOT-таҳлилга киритилади.

3.23-ЖАДВАЛ Ҳудуднинг хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Йиллар				Ўсиш, % / ўзгариш, +,-
	2000	2005	2010	2015	
Кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм					
Ўтган йилдагига нисбатан хизматларнинг ўсиш суръати, %					
ЯҲМда хизматларнинг ҳиссаси					
Мамлакат хизматлар соҳасида ҳудуднинг салмоғи, %					
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар, минг сўм					
Ҳудудда хизматларнинг ривожланиш даражаси*, %					
Қишлоқ жойларда хизматлар ҳажми, млрд.сўм					
Ўтган йилдагига нисбатан қишлоқларда хизматларнинг ўсиш суръати, %					

* ҳудудда жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг республика ўртача даражасига нисбати.

Ҳудуднинг бозор хизматлари соҳавий тузилмаси (%)

3.24-ЖАДВАЛ

Соҳалар	Йиллар			
	2000	2006	2010	2015
ЖАМИ ХИЗМАТЛАР	100	100	100	100
Савдо ва умумий овқатланиш				
Транспорт хизматлари				
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари				
Молия-банк хизматлари				
Туристлик-экскурсия хизматлари				
Меҳмонхона хизматлари				
Коммунал хизматлар				
Уй-рўзгор хизматлари				
Автомобиль ва бошқа техникаларни таъмирлаш хизматлари				
Бошқа хизматлар				
Хизматлар диверсификацияси даражаси				

Ҳудудда банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг ривожланиши

3.25-ЖАДВАЛ

Номи	Ўлчов бирлиги	Ҳудуд	Жумладан			
			шаҳарлар	...	туманлар	...
Банк-молия инфратузилмаси						
Сугурта компанияларининг филиаллари сони	дона					
Сугурта хизматлари турлари сони	дона					
Лизинг компанияларининг филиаллари сони	дона					
Баҳоловчи компанияларнинг филиаллари сони	дона					
Мини банклар сони	дона					
Жамғарма кассалари сони	дона					

Терминаллар сони	дона				
Транспорт инфратузилмаси					
Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги	км				
Қаттиқ қопламали йўллар	км				
Таъмирталаб йўллар	км				
Автомобиль йўллари	км				
Республика миқёсидаги йўллар	км				
Маҳаллий йўллар	км				
Халқаро йўллар	км				
Энгел коэффициенти					
Темир йўли узунлиги	км				
Таъмирталаб	км				
Алоқа					
Интернет фойдаланувчилари сони	минг фойдалан.				
Ўрнатилган АТС идишлари	минг рақам				
Рақамли АТС	минг рақам				
Уяли алоқа абонентлари сони	минг фойдалан.				
Мухандислик коммуникациялари					
Водопровод тармоғи узунлиги	км				
Алмаштирилиш талаб этиладиган қисми	%				
Табиий газ тармоғи узунлиги	км				
Алмаштирилиш талаб этиладиган қисми	%				
Канализация тармоғи узунлиги	км				
Алмаштирилиш талаб этиладиган қисми	%				

Ишбилармонлик муҳити. Ҳудуд рақобатбардошлигига эришиш учун энг муҳим элементлардан бири унинг ишбилармонлик муҳитини тадқиқ қилишдир. Маҳаллий ишбилармонлик муҳитини тадқиқ қилиш ҳам статистик маълумотлар, ҳам маҳаллий мутахассислар ва тадбиркорлар орасида сўров ўтказиш асосида амалга оширилади (*анкета, 3-илова*).

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади ҳудуднинг тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш асосида ижтимоий-иқтисодий ўсишга кўмаклашувчи қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳисобланади.

Асосий кўрсаткичлар:

- » ишбилармонлик муҳити ривожланишининг умумий баҳоланиши ҳудуд иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни ва ролини таҳлил қилиш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес динамикасини (янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиш, фаолият юритаётган ва юритмаётган корхоналарнинг борлиги ва ҳаказо) ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари ҳудуднинг шаҳар ва туманлари бўйича соҳалар ва тармоқлар кесимида кичик бизнес субъектлари фаолиятига баҳо берилади, кичик бизнеснинг ихтисослиги ва ўзига хос хусусиятлари баҳоланади (асосан қандай турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулот ва хизматларнинг ташқи ҳамда ички бозорларда сотилиши, йирик бизнес билан, маҳаллий ва бошқа давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро фаолият);
- » ҳудуд ишбилармонлик муҳитининг тараққиётига таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш имконияти (ишлатиладиган хом ашёнинг борлиги ва унинг сифати, электр энергияси ва ЁММдан фойдаланиш имконияти, сув ва табиий газдан фойдаланиш, биноларнинг мавжудлиги ва транспорт билан таъминланганлик), кадрлар салоҳиятининг мавжудлиги (меҳнат унумдорлиги, кадрлар сифати, зарур кадрлар ва мутахассислар билан таъминланганлик, ёшларни жалб қилиш, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқалар), молиявий муҳит (банк муассасаларининг борлиги ва уларнинг хизмат кўрсатиш даражаси, банк ҳисоб рақамидан нақд пул олишнинг қийинлиги, кредит олиш имконияти, валюта кредитлари олишдаги тўсиқлар, миллий валютани конвертация қилиш, шунингдек, ҳужжатларни расмийлаштириш ва тайёрлашдаги мураккабликлар) сингари масалаларни кўриб чиқади. Баҳолаш сўров ўтказиш усули билан ўтказилади, тадбиркорлик ташаббускорлигининг ўсиш омиллари ва уларга тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланади.

Таҳлил натижалари ва ишбилармонлик муҳити ҳамда тадбиркорлик фаоллигини баҳолашни умумлаштириш SWOT-таҳлилга киритилади.

Инвестицион фаоллик. Инвестицион фаолликни баҳолаш ва хорижий инвестиция асосидаги корхоналарнинг яратилиши, ҳудуднинг янги технологиялар ўзлаштирилишига кўмаклашувчи салоҳияти энг муҳим масалалардан ҳисобланади, чунки инвестициялар иқтисодий ривожланиш суръатларининг жадаллашуви, миллий иқтисодиётда рақобатнинг кучайишига

ёрдам беради. Мазкур йўналиш бўйича инвестициялар динамикаси, тузилмаси, уларни молиялаштириш манбалари, инвестицияларни жалб қилиш бўйича муаммолар таҳлил қилинади.

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади инвестицион фаолиятнинг замонавий ҳолати ва капитални жалб этишга таъсир қилувчи омилларини ўрганиш асосида ҳудуднинг инвестицион фаоллигини ошириш заҳираларини аниқлаш ҳисобланади.

Асосий кўрсаткичлар:

- » инвестицион фаоллик даражасини баҳолаш кўрсаткичлар тизими интеграл индекси²⁰ асосида ўтказилади ва мамлакатнинг инвестицион фаолиятида ҳудуднинг тутган роли ва ўрнини аниқлаш имконини беради (3.26-жадвал). Бундан ташқари, инвестицияларнинг ўсиш динамикасига баҳо берилади, ҳудуднинг ҳолатини аниқловчи омиллар кўрсатилади;
- » инвестицияларнинг соҳавий тузилмасини баҳолаш инвестицион ресурсларни ўзлаштиришнинг энг юқори кўрсаткичи билан фарқланувчи соҳа, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларини аниқлаш имконини беради. Иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг инвестицион сиғими даражаси ҳам асосий капиталдаги, ҳам хорижий инвестициялардаги инвестиция кўрсаткичлари сифатида келтирилади. Тузилмавий жадаллашувларни баҳолаш учун муайян вақт оралиғида иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича инвестициялар ўзлаштирилишининг таққослари келтирилади (3.27-жадвал). Бундай баҳолаш ҳудуд ва унинг туманларида инвестиция қилиш учун жозибатор бўлган ишлаб чиқариш ва хизматларни аниқлаш имконини беради;
- » инвестицияларни молиялаштириш манбаларига кўра баҳолаш инвестицион ресурсларнинг (марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар) шаклланиш тузилмасини аниқлаш имконини беради. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зичлиги ва тузилмавий ўзгаришлар, корхона ва аҳоли маблағлари ҳамда банк кредитлари баҳоланади;
- » асосий капиталда инвестицияларнинг технологик тузилмасини баҳолаш инвестицияларни қурилиш-монтаж ишларига сарфлаш,

хусусан, машиналар, ускуналар ва инвентарлар сотиб олиш ҳамда номоддий активларга қилинган бошқа харажатлар заруратини кўзда тутуди;

- » ҳудуд туман ва шаҳарларининг инвестицион муҳитини баҳолаш ҳудуднинг иқтисодий-географик ва транспорт ҳолатлари, ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги, табиий хом ашё ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг борлиги сингари омилларни кўзда тутувчи интеграл ҳисоб-китоб коэффиценти асосида ҳудуднинг жозибаторлигини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, бундай баҳолаш ҳудуд ва унинг туманлари инвестицион жозибаторлигини акс эттирувчи омилларни аниқлаш имконини яратади;
- » инвестицион самарадорлик, жумладан, янги қурилиш, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш кабиларни кўзда тутувчи амалдаги хорижий лойиҳаларни баҳолаш, ишга туширилган янги объектлар ва уларнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси сифатидаги натижалари, шунингдек, ҳудуд туманлари кесимида хорижий инвестиция асосидаги корхоналар фаолиятини баҳолаш ҳақида маълумотлар берилади;
- » ҳудуднинг инвестицион фаолияти ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва тенденцияларини баҳолаш натижалари SWOT-таҳлилда умумлаштирилади.

Ҳудуд инвестицион фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

3.26-ЖАДВАЛ

Кўрсаткич	Йиллар				Ўсиш, % / ўзгариш, +/-
	2000	2005	2010	2015	
Инвестициялар ҳажми, млрд. сўм					
Ўтган йилдагига нисбатан инвестициялар ўсиш суръати, %					
Республика умумий инвестиция ҳажмида ҳудуднинг салмоғи, %					
Аҳоли жон бошига инвестиция ҳажми, минг. сўм					
ЯХМ ўсишидаги капитал сиғими (ICORиндекси) ²¹					

20 Инвестицион фаоллиқни баҳолаш мезонли ва аҳоли жон бошига тўғри келадиغان кўрсаткичлар, инвестициялар, капитал қайтими ҳажми, инвестицияларнинг ЯХМдаги салмоғи каби кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, интеграл индекс асосида ўтказилади.

21 ЯХМ ўсишининг капитал сиғими индекси (ICOR) ЯХМдаги инвестициялар ҳиссасининг ЯХМнинг келгуси йилдаги ўсишига нисбати орқали топилади. Индекс қанча паст бўлса, инвестициялар самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Хорижий инвестициялар ҳажми, млрд.сўм					
Ўтган йилдагига нисбатан хорижий инвестициялар ўсиш суръати, %					
Республикадаги хорижий инвестициялар умумий ҳажмида ҳудуднинг салмоғи, %					
Инвестицияларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестицияларнинг салмоғи					
ЯҲМ да инвестициялар ҳиссаси					

3.27-ЖАДВАЛ Ҳудуднинг инвестициялари тузилмаси

Кўрсаткич	Йиллар				Ўсиш, % / ўзгариш, +/-
	2000	2005	2010	2015	
Инвестицияларнинг умумий ҳажми					
Ишлаб чиқариш соҳаси					
Саноат					
Қишлоқ хўжалиги					
Қурилиш					
Транспорт ва алоқа					
Бошқа соҳалар					
Ноишлаб чиқариш соҳаси					
Марказлашган инвестициялар					
Давлат бюджети маблағлари					
Давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар					
Бюджет ташқари жамғармалар маблағлари					
Марказлашмаган инвестициялар					
Корхоналар маблағлари					
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари					
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар					
Аҳоли маблағлари					

Асосий капиталда инвестицияларнинг технологик тузилмаси					
Қурилиш-монтаж ишлари					
Машиналар, ускуналар, инвентарлар					
Бошқа харажатлар					

Ташқи иқтисодий фаолият. Ҳудуднинг жаҳон иқтисодий тизими томон кенгайиши ва унга интеграцияси ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур шароитларни таъминловчи, иқтисодиётдаги босқичма-босқич тизимли ўзгаришларнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Экспорт салоҳиятини яхлит мустаҳкамлаш ва хорижий инвестициялар жалб қилиш кўламини кенгайтириш ташқи иқтисодий фаолият ривожланишининг асосий йўналишлари саналади.

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади экспортга йўналтирилган иқтисодий фаолиятнинг омиллари, манбалари ва солиштирма афзалликларини чуқур таҳлил қилиш асосида экспорт салоҳиятини ошириш заҳираларини топишдан иборат.

Асосий кўрсаткичлар:

- » ҳудуд ташқи иқтисодий фаолияти (ТИФ)нинг замонавий ҳолати ва динамикаси ташқи савдо айланмасини баҳолаш, экспорт ва импорт, ташқи савдо айланмаси сальдоларини (ўсиш суръатлари, мезонли ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичлар, ЯҲМдаги ҳиссаси, КБнинг ташқи савдо айланмасидаги ҳиссаси ва бошқалар) ўз ичига олади. Ҳудуд ТИФ ҳолатини интеграл кўрсаткичдан фойдаланиш асосида уни характерловчи **(2.28-жадвал)** асосий кўрсаткичлари бўйича баҳолаш ҳудуднинг республикадаги ва бошқа ҳудудлар орасидаги ўрни ва аҳамияти, ҳаракатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради;
- » маҳсулот гуруҳлари, шунингдек, маҳсулот ва хизмат турлари бўйича экспорт тузилмасини баҳолаш ҳудуд ва ундаги туманларнинг солиширма устун жиҳатларини аниқлаш, Баласс²² индексидан фойдаланган ҳолда уларнинг динамикаси йўналишларини белгилаш имкониятини яратади **(3.29-жадвал)**;

²² Баласс индекси мамлакат (ҳудуд)нинг солиштирма афзаллик буурвчи маълум гуруҳдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви гоёсига асосланган. Баласс индексини ҳисоблашда мамлакат экспортида муайян маҳсулотларнинг салмоғи шунга ўхшаш мамлакатлар, маълум гуруҳ ёки блоklarга кирувчи мамлакатлар гуруҳининг айна кўрсаткичлари, сўнгра жаҳон даражаси билан таққосланади.

- » ташқи савдо географиясини баҳолаш анъанавий ҳамкорлар билан савдо муносабатларини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқади;
- » жаҳон бозори конъюктурасини баҳолашга ҳудудда ТИФнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади. Асосий экспорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича бозор конъюктурасининг ўзгариши таҳлил қилинади ва ташқи муҳит эҳтиёжманд бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат турлари, шунингдек, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш омиллари аниқланади;
- » маҳсулот ва хизматлар, жумладан, тайёр маҳсулот экспортининг мезонли ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда интеграл индекс ёрдамида ўтказилган, ҳудуднинг ҳудудий бирикмалари экспорт салоҳиятини баҳолаш ҳудудларни гуруҳлаш ва экспорт фаолиятининг ривожланишида акс этувчи омилларни аниқлаш имконини беради (3.30-жадвал);
- » ҳудуд ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва тенденцияларини баҳолаш натижалари SWOT-таҳлилда умумлаштирилади.

3.28-ЖАДВАЛ Ҳудуднинг ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Йиллар				Ўсиш, % / ўзгариш, +,-
	2000	2005	2010	2015	
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари					
Аввалги йилдагига нисбатан ўсиш суръати, %					
Маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми, млн. АҚШ доллари					
Аввалги йилга нисбатан ўсиш суръати, %					
Республика экспортида ҳудуднинг салмоғи, %					
Аҳоли жон бошига экспорт, минг АҚШ доллари					
Маҳсулот ва хизматлар импорти ҳажми, млн. АҚШ доллари					
Аввалги йилдагига нисбатан ўсиш суръати, %					
Республика импортида ҳудуднинг салмоғи, %					
Аҳоли жон бошига импорт, минг АҚШ доллари					
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, минг АҚШ доллари					

Ҳудуднинг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича солиштирма афзаллиги индекси

3.29-ЖАДВАЛ

Кўрсаткич	Йиллар				Ўсиш, % / ўзгариш, +,-
	2000	2005	2010	2015	
Пахта-тола					
Кимёвий маҳсулот ва буюмлар					
Рангли металллар					
Қора металллар					
Энергия ташувчилар					
Машина ва ускуналар					
Озиқ-овқат маҳсулотлари					
Хизматлар					
Бошқалар					

Ҳудуд экспортининг ҳудудий тузилмаси

3.30-ЖАДВАЛ

Кўрсаткичлар	ЎзР	Ҳудуд	Жумладан			
			шаҳарлар	...	туманлар	...
Экспорт концентрацияси коэффициенти, %						
Аҳоли жон бошига экспорт ҳажми, минг АҚШ доллари						
Маҳсулот ва хизматлар экспорти диверсификацияси коэффициенти, %						

Маҳаллий бюджетни шакллантириш

Иқтисодий-ижтимоий ривожланишдаги мавжуд фарқлар туфайли ҳудуд туманларидаги даромад базаси тақсимланишибир текисда эмаслиги давлат сектори кўрсатадиган хизматлардан аҳолининг тенг даражада фойдаланиш имкониятига эришиш учун бюджет таъминотини бир хиллаштиришнинг фаол сиёсатини ўтказиш заруратини келтириб чиқаради. Мазкур йўналиш бўйича ҳудуднинг маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ижросини баҳолаш ва уни бошқа ҳудудларнинг айна шундай кўрсаткичлари ҳамда ўртача республика кўрсаткичлари билан таққослаш ўтказилади.

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади ҳудуднинг молиявий ҳолатини ўрганиш асосида маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Асосий кўрсаткичлар:

- » маҳаллий ҳудудий бюджетнинг ҳолатини таҳлил қилиш (маҳаллий бюджет даромад ва харажатлари ижросини баҳолаш, бошқа ҳудудларнинг ҳамда ўртача республика кўрсаткичлари билан маҳаллий бюджет даромадлиги динамикасини таққослаш) (3.31-жадвал);
- » вилоят бюджетидан ажратиладиган субвенциялардан фойдаланишни баҳолаш (субвенцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, маҳаллий бюджетдаги ҳиссаси, ўзлаштириш манбалари);
- » бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни таҳлил қилиш (3.32-жадвал);
- » корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга ошишини баҳолаш;
- » хўжалик субъектлари молиявий ҳолатини баҳолаш (зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони, зарар суммаси, кредиторлик ва дебиторлик қарзлар);
- » ҳудуднинг молиявий барқарорлигини баҳолаш маҳаллий бюджетнинг ликвидлик коэффициенти (трансфертлар, субсидиялар ва дотацияларни ҳисобга олган ҳолдаги жами даромадлар суммасининг жами харажат мажбуриятлари суммасига нисбати), маҳаллий бюджетнинг тўлов қобилияти (трансфертлар, субсидиялар ва дотацияларни ҳисобга олмаган ҳолдаги жами даромадлар суммасининг жами харажат мажбуриятлари суммасига нисбати) ва ўз маблағлари концентрацияси (бюджетнинг ўз маблағларини трансфертлар, субсидиялар ва дотацияларни ҳисобга олган ҳолдаги

бюджет даромадларига нисбати орқали ҳисобланадиган автономия (ўз маблағлари билан таъминланганлик) коэффициенти асосида ўтказилади (3.33-жадвал).

Ҳудуднинг маҳаллий бюджети шаклланиши ҳақида маълумот

3.31-ЖАДВАЛ

Кўрсаткичлар	Йиллар				Ўсиш, % / Ўзгариш, +,-
	2000	2005	2010	2015	
Маҳаллий бюджет даромадлари, млрд..сўм					
Маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари (субвенция ва дотацияларсиз), млрд.. сўм					
Маҳаллий бюджет харажатлари, млрд.. сўм					
Солиқ ва мажбурий тўловлар, млрд.. сўм					
Субвенциялар, млрд.. сўм					
Дебитор қарзлар, млрд.. сўм					
Кредитор қарзлар, млрд.. сўм					
Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони, дона					
Зарарлар суммаси, млрд.. сўм					

Ҳудуднинг маҳаллий бюджети шаклланиши ҳақида маълумот

3.31-ЖАДВАЛ

Даромад манбалари номи	2005 й.		2010 й.		2015 й.	
	Мақсадли схемаларни ҳисобга олган ҳолда	Мақсадли схемаларни ҳисобга олмай	Мақсадли схемаларни ҳисобга олган ҳолда	Мақсадли схемаларни ҳисобга олмай	Мақсадли схемаларни ҳисобга олган ҳолда	Мақсадли схемаларни ҳисобга олмай
Вилоят бўйича жами						
Жумладан:						
Умумдавлат солиқлари						
Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи						
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялли даромадидан олинаган солиқ						
Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўлловчи микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ						

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи			
Кўшилган қиймат солиғи			
Акциз солиғи			
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ			
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ			
Маҳаллий солиқ ва йиғимлар			
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган қатъий белгиланган солиқ			
Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларида бензин, дизель ёқилғиси ва газдан фойдаланганлик учун солиқ			
Юридик шахсларнинг мулк солиғи			
Жисмоний шахсларнинг мулк солиғи			
Ер солиғи			
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ			
Бошқа солиқ ва даромадлар			

3.32-ЖАДВАЛ Худуднинг бюджет салоҳиятини баҳолаш

Кўрсаткичлар	ЎзР	Худуд	Жумладан			
			шаҳарлар	...	туманлар	...
Ликвидлик коэффициенти (K_{likv}^{23})						
Тўлов қобилияти коэффициенти (K_{plat}^{24})						
Ўз маблағлари билан таъминланганлик (автономия) коэффициенти (K_{avt}^{25})						

23 Ликвидлик коэффициенти (умумий) қуйидагича ҳисобланади: $K_{likv} = \sum Dsb / \sum Rsr$, ерда Dsb - трансфертлар, субвенция ва дотацияларни ҳисобга олган ҳолда тегишли бюджетнинг жами даромадлари суммаси (аниқ санага); Rsr - тегишли бюджетнинг жами харажат мажбуриятлари суммаси (аниқ санага).

24 Тўлов қобилияти коэффициенти (абсолют ликвидлик коэффициенти) қуйидагича ҳисобланади: $K_{plat} = \sum Dsob / \sum Rsob$. Бу ерда $Dsob$ - трансфертлар, субвенция ва дотацияларни ҳисобга олмаган ҳолдаги тегишли бюджетнинг ўз маблағлари суммаси (аниқ санага); $Rsob$ - тегишли бюджетнинг жами харажат мажбуриятлари суммаси (аниқ санага).

25 Бюджетнинг автономия коэффициенти (ўз маблағлари билан таъминланганлиги) қуйидагича ҳисобланади: $K_{avt} = \sum Dsob / \sum Dob$. Бу ерда $Dsob$ - бюджетнинг ўз даромадлари суммаси, Dob - трансфертлар, субвенция ва дотацияларни ҳисобга олган ҳолдаги бюджет даромадлари суммаси.

Ишбилармонлик муҳитини таҳлил қилиш

Тадқиқот ҳокимлик юрисдикцияси ҳудудидаги корхоналарнинг эҳтиёжларини баҳолайди. Бу тадқиқотнинг асосий мақсади ишбилармонлик доиралари ўзларининг тадбиркорлик фаолияти давомида дуч келадиган асосий қийинчиликлар, шунингдек, ишбилармонлик фаолиятининг ўсиб-улғайишига қаршилиқ қилувчи тўсиқлар тўғрисида долзарб маълумот олиш ҳисобланади. Тадқиқот фикрлар олишга, шунингдек, мазкур ҳудудда кўрсатилаётган тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мавжуд хизматлардан ишбилармонлик доираларининг қониқиш даражасини баҳолашга ҳамда иқтисодий ва бизнес ривожланиши бўйича янги ёки режалаштирилаётган хизматлар ҳақидаги фикрларни билишга интилади. Режалаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича тегишли иқтисодий йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳудудий ривожлантириш соҳасидаги режалаштиришга кўмаклашиш тадқиқотнинг ўз олдига қўйган мақсадидир.

Қулай ишбилармонлик муҳитини ўрганиш учун анкета



Мазкур сўров натижасида ҳудудларда корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар тўғрисида маълумотлар тўпланади. Тадқиқотнинг вазифаси бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи амалиётни таҳлил қилиш, корхоналар учун асосий имконият ва муаммоларни аниқлаш ҳисобланади. Жавобларингиз фақат шаҳар (туман)даги мавжуд ишбилармонлик муҳитида фаолият юритиш тажрибангизни акс эттириши лозим. Олинган маълумотлар сир сақланади, яъни сизнинг ҳам, корхонангизнинг ҳам номи ҳеч қаерда келтирилмайди. Бу маълумотлардан ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

I БИЗНЕСИНГИЗ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

1-САВОЛ. Бу бизнесдаги лавозимингиз нима?

Бош директор / ишлаб чиқариш бўйича директор / директор

Менежер (молия, маркетинг, ходимлар)

Бошқа (илтимос, кўрсатинг)

2-САВОЛ. Фаолият тури?

Қишлоқ хўжалиги

Ишлаб чиқариш

Чакана савдо

Хизмат кўрсатиш соҳаси

Қурилиш

Бошқа (илтимос, кўрсатинг)

3-САВОЛ. Ташкилий-ҳуқуқий шакли (биттасини танланг)

	Хусусий тадбир-корлик субъекти	Давлат корхонаси
--	---------------------------------------	-------------------------

Шерикчилик

Якка эгалик

Кооператив

Бошқа (илтимос, кўрсатинг)

4-САВОЛ. Корхонангиз таклиф қиладиган асосий маҳсулот (хизмат)лар қайси?

5-САВОЛ. Корхонангиз қанчадан бери ишлайди (йил /ой)?

6-САВОЛ. Марҳамат қилиб, қуйидаги ерларда сотиладиган (кўрсатиладиган) маҳсулотларингиз (хизматларингиз)га баҳо беринг:

Шаҳрингизда	<input type="text"/> %
Ҳудудда	<input type="text"/> %
Мамлакатда	<input type="text"/> %
Мамлакат ташқарисида	<input type="text"/> %

7-САВОЛ. Ҳозирги пайтда корхонангизда неча киши ишлайди (тўлиқ бандлик асосида)?

0	1-5	6-10	11-50	51-200	>201	Маълумот йўқ
<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

II ИҚТИСОДИЙ МУҲИТНИНГ БИЗНЕС ИСТИҚБОЛИ

8-САВОЛ. Бизнесни кенгайтиришни мақсад қилганмисиз?

Ҳа
(8.1-саволга ўтинг)

Йўқ
(9-саволга ўтинг)

8.1-САВОЛ. Бизнесингизни қаерда кенгайтирмоқчисиз?
(тегишли катакчани танланг)

Маъмурий
худуд ичида

Маъмурий
худуддан ташқарида

Мамлакат
ташқарисида

9-САВОЛ. Жамиятингизда бизнесингиз келажагига нисбатан қандай фикрдасиз?

Оптимистларча

Пессимистларча

10-САВОЛ. Малакали кадрлар қидиришда бизнесингизда қийинчилик сезилаяптими?

Ҳа

Йўқ

11-САВОЛ. Ходимларингизни қайси соҳада ўқитишни зарур, деб ҳисоблайсиз? Афзаллигига кўра, ҳар бир малака

соҳасига 1 дан 9 гача бўлган баҳоларни қўйинг, бунда 1 рақами энг юқори аҳамиятли, 9 эса энг қуйи аҳамиятли қийматлардир.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9
техник малакалар	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>
бухгалтерия	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>
компьютерда ишлаш кўникмалари	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>
бошқарув	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>
маркетинг ва сотувлар	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>
молия	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>	<input type="radio"/>
